Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 226 (4921).
8 ОКТЯБРЬ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КАРДОШЛИК ТУҲФАСИ

● ДЎСТЛИК ҚОНУНИ БИЛАН
● БИЗ— ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ
● МОСКВАЛИК ҚУРУВЧИЛАР ВАЪДАГА ВАФО ҚИЛДИЛАР — КОМПЛЕКСНИНГ ТЎРТИНЧИ КОРПУСИДА ҚАТТИҚ УСТУН ЎРНАТИЛДИ.

Москвалик ва тошкентлик қурувчилар шаҳримизда «Дўстлик» турар жой комплексини бунёд этишда юксак суръат билан ишламоқдалар. У ўз таркибига тўртта 21 қаватли бинони ва 210 ўринли ер ости гаражини, болалар боғчасини олади. Бу ерда истиқомат қилувчилар учун мактаб ҳизмат пунктлари бўлади. Партия ва совет органларининг яқиндан ёрдами ва янги техника, технологияни кенг қўллаш, интернационализм руҳида топширилган ишга масъулият билан ёндошиш ,москвалик қурувчиларга графикдан ўзган ҳолда ишлаш ва ишни яхши сифат билан бажарган ҳолда маррага яқинлашиш имконини бермоқда.

СССР Конституцияси куни арафасида москвалик қурувчиларнинг катта меҳнат зафарига бағишланган митинг бўлди. «Мосспецмонолит» трестининг 3-қурилиш бошқармаси комплексининг сўнгги 4-корпусида қаттиқ устунни тиклашни ниҳоясига етказди. Қурувчилар қабул қилган қўшимча мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Албатта, бу муваффақиятларда Тошкентдаги қурилиш ташкилотларининг, шу жумладан бош пудратчи — 11-«Висотстрой» трести ва 1-темир-бетон конструкциялари заводи коллективининг ҳиссаси бор.

Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Б. Қ. Алиев митингни очди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин қурувчиларни юксак меҳнат зафари билан қизғин табриклади, тошкентлик ва москвалик қурувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги 1966 йилдаги Тошкент зилзласидан сўнг бошланганлигини ва Тошкентга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзганлигини таъкидлади. Ўзбек тупроғига биринчи бўлиб келган поездлардан бирида москвалик қурувчилар келишган ва улар шаҳар тарихида сезиларли из қолдириб кетишган эдилар. Пушкин кўчасида «Дўстлик» микрорайонининг пайдо бўлиши бу — москваликларнинг тошкентликларга ажойиб туҳфасидир, К. П. Дудин «Мосспецмонолит» трестининг 3-экспериментал қурилиш бошқармаси коллективига миннатдорчилик изҳор этди.

Митингда шу бошқарманинг бригада бошлиғи Н. Сахаров, 220-қурилиш бошқармасининг бригадири А. Горский, «Ташгипрогор» институти директори Т. В. Шахсуварян ва бошқалар сўзга чиқдилар. Шунингдек, митингда сўзга чиққан «Мосспецмонолит» трести бошқарувчиси В. И. Крок, Тошкент шаҳри партия ва Совет органлари қурилиш ташкилотларига номига ташаккур билдирди. Уларнинг ёнма-ён туриб ҳар куни амалий ёрдам кўрсатганликларидан миннатдорлигини айтди. Тошкентдаги бу қурилиш бизнинг қалбларимизда доимо сақланиб қолади, деди у.

Йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида ўртоқ К. П. Дудин «Тошкент қурувчиси» нишонини, Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ёрлиқларини фидокорлик намунасини кўрсатган москвалик қурувчиларнинг бир группасига топширди. Шундан сўнг Куйбишев район партия комитети вакиллари район партия қўмитети ва район ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқларини москвалик қурувчиларга топширдилар.

Комплексда ҳали иш кўп. Ишнинг асосий қисми «Главмосстрой»нинг 220-қурилиш бошқармаси зиммасига тўғри келади. Коллектив ўз кучи ва Москва шаҳридан келган ёрдамчи пудратчи қурилиш ташкилотлари ёрдамида юксак иш маромини сақлаган ҳолда ўз олдидаги вазифани уддалаш ва Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги арафасида комплексни сайқалчилар қўлига топширишга ҳаракат қилмоқда.

Фахрли белги билан

Пойтахтимизда ғайинчоқлар фабрикаси ўз маҳсулотларини иттифоқимиздаги 800 дан ортиқ савдо тармоқларига юборади. Бу маҳсулотлар бир неча маротаба халқаро ярмаркаларда намойиш этилди. Фабрика коллективи ҳар бир маҳсулотни аъло сифатли ишлаб чиқаришга катта эътибор бермоқда.

Корхонада маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси жорий қилинган. Цехлар янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, ҳамма технологик жараёнлар автоматлаштирилган. Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. «Сенжи, шошмай тур!» туркум ўйинчоқлар ва совғага тайёрланган Тўлғаной, Зумрад, Темур деб номланган қўғирчоқлар шулар жумласидандир. Корхонада Сифат белгили ўйинчоқлар маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 19 процентини ташкил этади.

* * *

Тошкент экскаватор заводи коллективи аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда диққатга сазовор ишларни олиб бормоқда. Бу корхонада давлат Сифат белгиси билан тайёрланадиган маҳсулот фақат биттагина. Аммо унинг салмоғи маҳсулот умумий ҳажмининг 70 процентини ташкил этади. Бу ҳам бўлса универсал экскаватор бўлиб, унга Сифат белгиси берилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг муддати ўтган эди. Аммо корхона бу маҳсулотнинг ҳамма ҳужжатларини ўз вақтида қайта давлат аттестациясига топширди. Яқинда бу юқори кучли универсал экскаваторга фахрли белги берилди.

Ҳозирда янги сифат тамғаси туширилган универсал экскаваторлар завод конвейерларидан мунтазам чиқарилмоқда.

Г. ВОҲИДОВА.

⊙ ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК

«Орзу» ва «Ўзбекистон»

«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-заводида Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника институти билан ҳамкорлигида ишлаб чиқилган янги ичимлик ана шундай деб аталади.

Бу ичимликларнинг асосий афзаллиги шундаки, уларда қанд таркиби камайтирилган ва маҳаллий хом ашёлардан оқилона фойдаланилган. «Ўзбекистон» ичимлиги учун ялпиз, «Орзу» учун эса зира ишлатилган. Бу янгликларнинг ранги яшил ва қирмизи бўлиб байрам дастурхонида жозибали кўринади.

Ҳозирги пайтда бу янги маҳсулотлар дегустаторлар ва медиклар кўригидан ўтиши учун тажриба тариқасида тайёрланмоқда.

САБЗАВОТ—ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент районлари бўйича мева ва сабзавот тайёрлаш ва жамғариш плани бажарилишининг бориши тўғрисида шу йилнинг 6 октябригача бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган, иккинчи устун —сақлаш учун жамғарилган.

Ленин	90,7	61,6
Фрунзе	74,1	63,2
Сергели	60,9	48,5
Куйбишев	80,0	41,2
Октябрь	71,9	71,0
Собир Раҳимов	93,2	50,8
Киров	65,9	31,8
Чилонзор	80,3	53,7
Ҳамза	59,1	44,2
Акмал Икромов	75,1	62,5
Шаҳар бўйича	75,0	49,9

ШАРҲ: Октябрь бошларида ёғиб ўтган ёмғир сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва жамғариш ишини анча суст лаштириб юборди. Шунинг учун ҳам ҳозирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини далада сабзавот маҳсулотлари сақлаш комбинатларга тезроқ ташиб келтириш учун мавжуд бўлган механизм ва транспортлардан унумли фойдаланиш зарур.

«Ташплодоовощ» бирлашмаси хизматчилари Октябрь ойида етиштирилган ҳосилнинг каттагина қисмини қисқа муддатларда қишки сақловга жойлаштириб олишлари керак. Сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва жамғариш планининг бажарилиши савдо хизматчиларига ҳам ҳар томонлама боғлиқдир.

«Дала — омбор— магазин» конвейери мунтазам ва аниқ маромда ишлаб турсин.

Биз ҳаммамиз — пахтакормиз

Пахтазордан дараклар №11

Республика тайёрлов пунктларига 6 октябрь эрталабга қадар 3 миллион 500 минг 733 тонна «оқ олтин» топширилди. Ўтган куни 96162 тонна ҳосил териб олинди. Мавсум бошидан буён машиналар бункеридан 1 миллион 600 минг 926 тонна хом ашё тўкилди. Ҳаммаси бўлиб 324 минг 352 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Пахта далаларида меҳнат сурони яна ҳам авж олсин. Об-ҳаво инжиқликларини мардонавор енгиб, ишни намунали ташкил этайлик. Ҳар бир пахта териш машинасидан самарали фойдаланайлик, кўпмингкилограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйсин. Ҳар бир теримчи юксак иш унумдорлигига эришсин.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрланишнинг бориши тўғрисида 6 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

Тошкент	2,65	88,08
Хоразм	1,58	72,24
Бухоро	1,65	70,63
ҚҚАССР	1,63	65,81
Сурхондарё	1,66	61,45
Навоий	1,90	60,37
Сирдарё	2,01	60,23
Наманган	1,53	54,06
Жиззах	1,72	52,61
Андижон	1,55	52,41
Қашқадарё	1,11	49,73
Фарғона	1,27	48,72
Самарқанд	1,52	48,12
Республика бўйича:	**1,64**	**59,44**

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ. Пахтазордан дақиқалар

4. ТОШКЕНТЛИК МАДАД КОРЛАР

- Хўжаликнинг дадил одими
- Шаҳар—қишлоққа
- Озиқ-овқат программаси бўғинлари.

«Партия XX съезди» колхози Бўка районидаги тўнғич пахтакор хўжаликларидандир. 1930 йилда бу ерда 15 хўжалик бирлашиб, «Агроном» колхози ташкил этилганди. Асосий иш қуроли от-улов, омоч ва қўқонаравадан иборат эди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида қишлоққа биринчи трактор келганида етти ёшдан етмиш ёшгача — бутун аҳоли кўчага чиқиб, уни томоша қилган эди. Ҳосилдорлик паст эди. Деҳқончилик ишлари асосан қўл кучи билан, катта меҳнат сарфлаб амалга оширилади. Ҳозир бу хўжаликнинг 1800 гектарга яқин ер майдони бор. Бу майдонларга пахта, сабзавот экинлари ва картошка экилиб, улардан мўл ҳосил етиштирилаяпти. Хўжалик пахта тайёрлаш планини муддатидан аввал бажарди. Давлат хирмонларига мавсум бошидан бери 5 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. Коллектив бу йил ҳар гектар майдондан 42 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олиб, меҳнат қилмоқда.

— Қишлоқ хўжалигини юксалтиришдаги барча ютуқларга шаҳарликларнинг яқиндан берган ёрдами туфайли эришаяпмиз, — деди биз билан суҳбатда колхоз раиси М. Хайитбоев. — Чигит экишдан тортиб, пахтани йиғиб-териб олишгача бўлган барча ишларда Тошкент саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган юқори сифатли машина ва механизмлар бизга қўшқанот бўляпти.

Шундан кейин раис кейинги йилларда Бўкадаги кўпгина илғор хўжаликлар қаторига «Партия XX съезди» колхози ҳам ўзини дефолиациялашда самолётлар ўрнига «ОВХ—14» маркали пуркагич аппаратлардан фойдаланишга ўтганлигини, бу тадбир дефолиацияни сифатли ўтказишда ҳамда атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлади. Биз эса ўз навбатида у кишига «Ташхимсельмаш» заводи бу йил «ОВХ—28» маркали янги пуркагич аппаратни ишлаб чиқаришни бошлаганлигини, бу агрегат илгаригисига нисбатан икки баравар унумли ҳамда сифатли иш бажаришини маълум қилдик.

Районнинг қайси хўжалигида бўлмайлик, хўжалик раҳбарлари, оддий пахтакорлар шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ҳамкорликнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришдаги аҳамиятини мамнуният билан гапиришди. Ўн биринчи беш йилликда ўз олдиларига қўйилган катта вазифаларни индустрия вакилларининг доимий мададига таянган шароитдагина муваффақиятли ҳал этишлари мумкинлигини таъкидлашди.

Шаҳарликлар янги пахтакорларга кўрсаётган ёрдами юбилей йили ҳосилини йиғиб-терib олиш учун қизғин кураш кетаётган шу кунларда айниқса кучаймоқда. Район хўжаликларига Ангрен саноат корхоналари ва ташкилотлари, Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов районидаги меҳнат коллективлари вакиллари сентябрь ойининг охирида ҳашарга етиб келдилар. Собир Раҳимов районидаги 10-автоторемонт заводи, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, бош кийимлар фабрикасидан келган ҳашарчилар — «Бўка» совхозида, «Гипрогаз» институти, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари — «Ленинизм» колхозида, агрегат заводи, тупроқшунослик институти вакиллари — «Партия XX съезди» колхозида, чинни заводи вакиллари эса «Кўкорол» совхозида пахта теришмоқда.

— Пахта Ўзбекистон халқларининг миллий бойлиги ва ифтихоридир, — деди Собир Раҳимов районидан келган ҳашарчилар штаби бошлиғи, район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Владимир Афанасьевич Шалупов. — Шу боисдан ҳам бутун республика аҳолиси далаларда етиштирилган «оқ олтин» ҳосилининг бир граммини ҳам ерда қолдирмай, йиғиб-териб олишни ўзларининг муқаддас бурчлари ҳисобламоқда. Пахтакор дўстларимиз бизнинг унумли меҳнат қилишимиз учун яхши шароит яратиб беришди. Ҳозир Бўка районида тошкентлик 4 минг ҳашарчи меҳнат қиляпти. Уларнинг кўмаги айниқса об-ҳаво айниган кунларда деҳқонларга жуда қўл келяпти.

Тошкентлик ҳашарчилар республика пахтакорлари «оқ олтин» тайёрлаш бўйича олган йиллик планини ва мажбуриятларни бажаргунга қадар далада меҳнат қилишга жазм этишган!

Уз навбатида бўкалик деҳқонлар ҳам шаҳарликлар олдида қарздор бўлиб қолишмаяпти. Улар ой сайин дала нсъматларидан «қизил карвон»лар ташкил этиб, республика пойтахтига жўнатиб туришибди. Районда мева ва сабзавот етиштириш бўйича йиллик топшириқ ортиғи билан адо этилди. Нил бошидан бери шаҳарликларга 14 минг 341 тонна сабзавот, 8592 тонна картошка, 9650 тонна полиз маҳсулотлари, 1,5 минг тонна мева етказиб берилди.

Райондаги «Гулистон» совхози бундан олти йил аввал ташкил этилган. У боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Бу хўжаликда КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Совхоз йиллик маҳсулот тайёрлаш бўйича топшириқларини ортиғи билан адо этди.

Полизчиликка ихтисослашган бригадага Сайфи Абдуллаев етакчилик қилади. Бу бригада деҳқонлари Тошкент шаҳри аҳолисига ширин-шакар полиз маҳсулотлари етказиб бериш йўлида ғайрат қилишяпти.

Шаҳарликлар бизнинг ҳақиқий мададкорларимиз, қаторда ги норларимиздир, — дейди Сайфи ака. — Биз уларнинг мададини қишлоқ хўжалигининг ҳар бир соҳасида кўриб, сезиб турибмиз. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳурматига-ҳурмат билан жавоб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Полиз маҳсулотларининг хилини кўпайтиришга, минерал ўғитлардан меъёрал фойдаланиб, уларни юқори сифатли қилиб етиштиришга интиляпмиз. Ўйлайманки, ўз қадр-қимматини билган, деҳқон шон-шавкатини юқори сақлашни истаган ҳар бир киши мана шундай қилиши керак.

Бўкадаги янги ташкил этилган «Кремль» совхозида Тошкент шаҳрининг Фрунзе районида меҳнат коллективлари кучи билан янги чўққачилик комплекси қурилиши бошлаб юборилганлиги «Уроқ ва Болға» бузилмас иттифоқининг янада мустаҳкамланишига, СССР Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Шу мақсадда совхозда 250 гектар майдон ажратилди. Бу майдоннинг 50 гектарига комплекс қурилади, 200 гектарига озуқа экинлари экилади.

Комплекс қурилиши масаласи Фрунзе район партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Унда қурилиш бўйича район штаби тасдиқланди. Лойиҳа ишларини бажариш, техника воситалари, материаллар ва меҳнат кучлари ажратиб бериш райондаги корхона ва ташкилотлар зиммасига юкланди.

Комплекс қурилиши учун 4,6 миллион сўм, турар жой посёлкаси қурилиши ҳамда ерларни ўзлаштириш учун эса 1,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади.

Ҳозирги пайтда турар жой посёлкасидан ташқари, комплекс қурилишининг барча лойиҳа ишлари ҳам тугалланди. Қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни бу ерда кўчма планёрка ўтказиляпти. Шу пайтгача 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, ерларнинг таркиби текширилди, участкалар текисланди, бошқа кўпгина ишлар бажарилди: икки километр узунликдаги автомобиль йўли қурилиши тугалланяпти. 1,5 километр узунликда водопровод қувури ётқизиляпти. Иккита қудуқ қазилди. Қурувчиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Фрунзе район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш, янги комплекс қурилишини тез ва сифатли тугаллаш учун барча чора-тадбирларни кўришяпти.

Ҳ. ИКРОМОВ,
А. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбирлари.

(Давоми бор).

• *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

Муҳим ишда майда-чуйда бўлмайди

Кузги-қишки мавсумдаги ишларга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўришни назорат қилиш ва Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш бўйича шаҳар комиссияларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси З. О. КОЗИМОВ раислик қилди.

Собир Раҳимов районида қиш мавсумига белгилаб қўйилган кўпгина тадбирлар бажариб қўйилди. 31 минг квадрат метрдан зиёд турар жой капитал ремонтдан чиқарилди, 295 та уйнинг иситиш системаси профилактикаси тугалланди. Бироқ идораларга қарашли турар жойларни қишнинг совуқ кунларига тайёрлаш бўйича ишлар суръати паст. Жумладан, «Главташкентстрой»нинг 4-турар жой коммунал конторраси ўз ҳисобидаги 61 та уйдан фақат 13 тасидагина иситиш системаларини созлашга эришди. Ер тўлаладиган ҳоналар беркитилганича, тозаланмасдан қолмоқда. Тошкент Давлат медицина институтининг 27 та уйида иситиш системасини тозалаш бўйича ишлар бажарилмади, ваҳоланки унинг ихтиёрида 47 та турар жой биноси бор. Шу массивга олиб борадиган иссиқлик трассасида носозликлар мавжуд, насос станцияси ҳали қурилиб бўлганича йўқ.

Районнинг кўпгина корхоналари электр энергияси ва иссиқликни беҳуда сарфламоқда. Бунга тажрибамеханика, экскаватор ремонти, «Главташкентстрой»нининг 9-темир-бетон буюмлари, чинни заводларини мисол қилиб келтириш мумкин. «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмасида қишга тайёргарлик деярли бошланмаган, чакана-савдо конторасининг 5- ва 2-магазинлари, «Ташхлеботорг»нинг 4, 57-магазинларида, район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 56, 60-магазинларида ҳанузга қадар хоналарни ремонт қилиш ишлари бажарилмаган. Агрегат заводининг 7-ошхонасига иситиш системаси ўтказилмаган, томдан чакка ўтяпти, 9-ошхонанинг девор ва шиплари ёрилиб кетибди. ТошДУнинг 2-ётоқхонасида, ТошПИнинг 12-ётоқхонасида кўпгина нуқсонлар очиб ташланди. Қишга тайёргарлик бўйича районда олиб борилаётган ишларда бундай фактлар бўлмаслиги керак! Барча коллективларни электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишга, белгиланган тадбирларни ўз вақтида бажаришга сафарбар этиш лозим.

Мажлисда турар жой ва жамоат бинолари ремонтининг қандай ҳолатда эканлиги тўғрисидаги масала ҳам қараб чиқилди. Турар жойларнинг ташқи кўринишларини яхшилашга қаратилган тадбирлар суст кашлик билан олиб бориляпти. Ҳамма жойда ҳам сифат етарли даражада деб бўлмайди. Бу масалани «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш» заводлари, «Главташкентстрой»да, трактор заводи ва авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бутунлай эсдан чиқариб қўйишган. Ваҳоланки, шу корхоналарнинг ихтиёрида бўлган кўпгина турар жой биноларининг фасадларини аллақачон ремонтдан чиқариш керак эди. Бизнинг кўча, проспектларимизнинг ташқи чиройини айрим кооператив бинолари бузяпти. Масалан, Горький проспектидаги 50, 64, 72, 80, Беруний кўчасидаги 6, 7, 12, «Марказ— 6» кварталидаги 93— 97, «Марказ— 14» кварталидаги 20— 24-уйларнинг фасадлари кишини ранжитади. Барча массивлардаги индивидуал тарзда қурилган бинолар тартибга келтирилган деб бўлмайди. Жумладан, ободонлаштириш ва санитария назорати бўйича давлат инспекцияси томонидан индивидуал турар жой қурилишида ўзбошимчалик билан ўрнатилган 406 та тўсиқлар олиб ташланди.

Красновосточная кўчасидаги уйларнинг фасадларини архитектура жиҳатидан безаш бўйича ишлар ҳам тўлалигича ниҳоясига етказилгани йўқ. Қуйбишев шоссесидаги 92-уй олдида, Хоразм, Поленов, Энгельс, Гвардейская кўчаларида аҳлат чиқиндилари уюлиб ётганини кўриш мумкин.

Шаҳар комиссиясининг аъзолари таъкидлаб ўтганларидек, бу нарсаларнинг ҳаммаси микрорайонларнинг чиройини бузяпти, ҳамшаҳарларимизга кўплаб ноқулайлик тугдиряпти. Ваҳоланки, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи узоқ эмас, бу юбилейга тайёргарлик чоғида ҳатто барча ижарачикирлар ҳам ҳисобга олиниши керак!

Тошкент область Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг 5-бригадаси механик-ҳайдовчиси С. Каримов фидокорона меҳнат қилмоқда. У ҳар кунн ўз агрегати билан 7—8 тоннадан «оқ олтин» термоқда. Ҳозиргача унинг терган пахтаси 150 тоннадан ошиб кетди.

А. Тўраев фотоси.

тонгги газеталарда

Бадиий танқидчилар уюшмасининг (АИКА) халқаро симпозиуми Тошкентда ўз ишини тугатди. Симпозиум Москва ва Ўзбекистон шаҳарлари мисолида ҳозирги замон шаҳри муҳитидаги халқ санъати мавзуига бағишланганди. Симпозиум қатнашчилари — 15 мамлакат вакиллари фан-техника революцияси даврида халқ санъатини ривожлантириш тўғрисида, шаҳарларни қуришда, келгуси авлодлар яшайдиган уй-жой кварталлари, майдонлар, маъмурий марказлар меъморий қиёфаси ўйғун бирлигини яратишда халқ санъатидан фойдаланиш тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Тошкентдаги учрашув, деди уюшманинг президенти Дан Хаулика, ниҳоятда нафли бўлди. Биз Шарқ маданияти сарчашмаларида бўлиш, Совет Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда бой маданий мерос қандай авайлаб сақланаётганлигини, халқ санъатини ривожлантириш учун бугунги кунда қанчалик кўп ишлар қилинаётганлигини кўриш имконига эга бўлдик. Халқ санъати инсониятнинг бугунги кунига ва келажагига хизмат қилиши муҳимдир.

Ўзбекистонда биз янги шаҳарлар билан ҳам, кўҳна шаҳарлар билан ҳам танишдик. Бу ерда энг муҳими халқ санъати кишиларга хизмат қилаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бирон бинони безаш учун айрим ҳолларда қайси санъат туридан фойдаланилганлиги хусусида баҳслашиш мумкин, лекин умуман узоқ асрларда Ўрта Осиёда шуҳрат қозонган халқ безак санъати Ўзбекистонда янгича ривожланиб, республика шаҳарларининг қиёфасига сингиб кетган.

Зарбдор қурилиш одимлари

МЕТРОСОЗЛАРНИНГ ИШ КУНЛАРИ

Тошкентлик метросозлар узунлиги 5,6 километр бўлган бешта станциядан иборат Тошкент метрополитенининг иккинчи линияси биринчи участкаси қурилишида ишни кенг фронт бўйлаб олиб бордилар. Мазкур участка мураккаб инженерлик-геология шароитларида қурилмоқда. Жумладан, «Навоий» ва «Тошкент» станциялари зах сувларни сунъий йўқотиш орқали бунёд этиляпти. Ҳозирда поездлар ҳаракати тўхтатилмаган ҳолда мавжуд бўлган «Пахтакор» станцияси остидан биринчи ва иккинчи линияларни боғловчи тоннелни қазиш ишлари оғир кўчмоқда.

Бунёд этилаётган участкада ёпиқ усулда тоннеллар қазиш ишлари қарийб тугалланди ва ҳозир метросозлар Қорақамиш массиви томонга тоннеллар қазиш ишига киришмоқдалар.

«Ойбек», «Тошкент» ва «Космонавтлар проспекти» станцияларида меъморчилик-пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Шуни айтиш керакки, бунёд этилаётган участканинг барча станциялари пардозида бадиий кулолчилик элементлари, ойна ва бошқа материаллар ишлатилади. Бу билан пардозида қўлланилган мармар ва гранит плиталн биринчи линия станцияларидан фарқ қилади. Станциллар ва ер ости йўли қурилишларида Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг 2-темир-бетон буюмлари заводида тайёрланган йиғма темир-бетон конструкциялари кенг қўлланиляпти.

Метрочилар эришаётган ютуқлар қувонарли, албатта. Лекин улар янада юқори бўлиши мумкин эди. Бироқ «Ойбек» ва «Тошкент» станциялари оралиғидаги ер ости тоннелли қурилишида худди шу участкадаги каноп фабрикасини бузиш ишлари тўхтаб қолганлиги учун иш суръати паст бўлди. «Навоий» станциясида камералар қурилиши бошлангани йўқ. Ҳали мебель фабрикасини бошқа жойга ўтказиш масаласи ҳам ҳал этилгани йўқ.

Қурилиш суръатини юксалтириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш бўйича трестимизда янги техника ва илғор технологияни жорий этиш бўйича мунтазам иш олиб бориляпти.

● ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ МЕТОДИ БЎЙИЧА ● ИШ СУРЪАТИ ЮҚОРИ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИ ● ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАБ ● 60 ЙИЛЛИК ШАРАФИГА

1982 йилнинг июль ойида 1-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи йирик ҳажмли темир-бетон элементларидан бунёд этиб, тугаллаган янги «Ойбек» станцияси давлат қабул комиссиясига муваффақиятли топширилди. Бундай йирик ҳажмли темир бетон элементларининг қўлланилиши қурилиш ишлари таннархини бирмунча қисқартирди. Бу элементларнинг ҳаммасини Ленин орденли кавалери М. Лисий бошлиқ бригада сифатли монтаж қилиб берди.

«Ойбек» станциясида зилзилага бардошли янги усулнинг жорий этилиши платформа участкаси қурилишида меҳнат харажатларини 21 процент, қурилиш муддатини эса 7,5 ойгача қисқартириш ва 182 минг сўмлик иқтисодий самара олиш имконини берди.

Метрополитеннинг иккинчи линиясидаги «Ташсельмаш» — «Чкалов» станциялари оралиғидаги ер ости йўлини бунёд этишда «КМО—2х5» маркали ер қазиш комплекси монтаж қилинди ва бу комплекс очиқ усулда тоннел қазиш ишида муваффақиятли ишлаяпти. Бу ер қазиш комплексининг афзаллиги шундаки, хандақни ортиқча мустаҳкамламасдан туриб, тор йўлакда завод шароитида тайёрланган темир бетонлардан тўғри икки йўлли тоннел қуриш мумкин. Бир томондан шаҳар коммуникацияси, бошқа томонидан эса Тошкент-товар темир йўл станцияси йўли билан сиқилган бу ер ости йўлини В. Шегай бошлиқ бригада қурмоқда. Бу ер ости йўлини бунёд этишда «ЦСО» типидаги блокларни гидроизоляция қилиш бош масала бўлиб қолди. Қўл ёрдамида гидроизоляция ишларини амалга ошириш тоннел қазиш ишлари суръатини бирмунча сустлаштирди. Шундан сўнг трестимизнинг ихтирочи ва рационализаторлари — В. Шегай, А. Семёнов, Л. Прусс, гидроизоляция қилишнинг механизациялашган усулини топдилар. Бу стендни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ўз зиммасига олган 1-қурилиш-монтаж участкаси коллективи уни тўла механизациялаштириб берди. Бу эса юксак сифат билан гидроизоляция ишларини бажариш ва меҳнат сарфини анча қисқартириш имконини берди.

Ҳозирги кунда «Ташсельмаш» ва Чкалов станциялари оралиғида икки йўлли тоннелнинг 250 погонметрдан зиёди қазиб қўйилди ва қазилган жойнинг ҳаммаси ободонлаштиришга топширилди. 1982 йилнинг 1 январидан бошлаб трест хўжалик ҳисоби методи бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ўтди. Бу методга ўтиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бунда комплекслашган бригадаларнинг таркиби қайта кўриб чиқилди, объектларнинг таннархи бўйича ҳисоб-китоблар қилинди, бир қатор тадбирларни бажариш учун ҳам пудрат шартномалари имзоланди. Ҳозирги кунда трест бўйича 85—90 процент қурилиш-монтаж ишлари участка пудрати методи асосида бажариляпти.

Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 700 минг сўмлик ҳисобдаги иқтисодий самарага эришилди. Қурилиш муддатини қисқартириш, ҳисобдаги иқтисодий самарага эришишда фидокорлик кўрсатаётган бригада аъзолари ва инженер-техник ходимларга, шунингдек, пудрат шартномасини бажаришда фаол иштирок этаётган ишчиларга мукофот бериляпти.

Трестимиз коллективи СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остидаги беллашувда актив иштирок этмоқда. Меҳнат беллашувида 2-тоннел отрядининг Сергей Неняшев, 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Николай Кузнецов, 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг Степанов, Вишеславцев, 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг Фарид Хисамутдинов каби проходкачилари, сувоқчи Заҳриддин Миржалилов, слесарь-ремонтчи Сергей Тихонов ва бошқа кўплаб метросозлар меҳнатга коммунистик ёндошиш намунасини кўрсатмоқдалар. Трестимиз 1981 йил иш якунига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Шу йилнинг биринчи ва иккинчи кварталларида эса транспорт қурилиш министрлиги ва темир йўл транспорти ва транспорт қурувчилари ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Тошкентлик метросозлар Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллик юбилейига қадар ўз мажбуриятларини муддатидан илгари уддалайдилар.

П. СЕМЕНОВ,
«Ташметрострой» тресни бошқарувчиси.

● Беш йиллик илғорлари

Орзу қанот қоқди

«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» — Бутуниттифоқ ҳаракати қизғин тус олган шу кунларда зарбдорларча меҳнат қилаётган комсомол йигит-қизларни қувонч билан учратамиз. Шуларнинг бири Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида илғорлар ташаббусидан руҳланиб меҳнат қилаётган ёш ишчи Маҳфузахон Халиловадир.

У икки йилдирки «Вставка— 3» муқовалаш машинасини унум билан ишлатиб келади. Ўтган қирқ беш зарбдор ҳафтада муқоваланган китоблар 75 минг дона бўлди. Бу пландагидан 10 минг дона кўпдир. М. Халилова ўтган ой ичида машина қувватидан тўла фойдаланиб, планда кўрсатилган 276 минг ўрнига 300 минг дона китоб муқовалади.

— Инсон орзу билан яшайди, — дейди М. Халилова, — ким орзу қилибдими, шу орзу унинг ҳаёт йўлини ёритиб туради. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимданоқ полиграфия соҳасида ишлаш орзуси билан яшадим. Бу орзуим мени комбинат остонаси сари етаклади.

Аввало ишнинг боши — бошлангунча экан. Илк бор дастгоҳни меҳрлик билан бошқаришни ўргатган устозим— Виктор Келесников бўлди. Икки йилда анча тажриба орттирдим, ҳам сифатли ишлашни ўргандим. Халқимизга маънавий билим хазинаси — китоб етказиб беришда озгина бўлса ҳам ўз ҳиссамни қўшаётганлигимдан фахрланаман. Мамлакатимизнинг шонли юбилейини меҳнатдаги илғор ютуқларим билан кутиб оламан.

З. АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси прессловчиси.

Қурилиш майдонларида

МУНОСИБ ТУҲФА

Куйбишев районининг «Высоковольт» массивида 56 оилага мўлжалланган турар жой биноси қўли гул қурувчилар томонидан қад кўтариб ҳамшаҳарларимизга топширилиш арафасида. Бу турар-жой биносининг ҳар бир квартираси ҳозирги замон талабига жавоб берувчи қулай жиҳозлари билан таъминланган. Ушбу турар жой биносининг безаш ишларини «Ташпромстрой»га қарашли Х. Мирзаев бошчилигидаги 1-бўёқчи сувоқчилар бригадаси ғайратшижоат билан олиб бормоқдалар.

Айни пайтда бригада аъзолари «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида юксак унум билан меҳнат қилишмоқда. Илғор бўёқчилардан Икром Камолов, Йўлдош Зиёдов, Раҳим Юсупов, Ҳасан Валиев каби қўли гул қурувчилар кунлик нормаларини 115—120 процентдан адо этмоқдалар. Бу азамат қурувчиларнинг ҳалол меҳнати СССРнинг 60 йиллик тўйига туҳфадир.

Б. ТОЛИПОВ,
қурувчи.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми хатлар

● ҲАМИША ИЛҒОРЛАР САФИДА ● ҚАРДОШЛАР ТУҲФАСИ ● ИНСОН АСАБИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ ● ГАЗЕТХОНЛАР ЭЪТИРОЗИ

Ҳашарчилар, Сизлар учун

Пахтазор чорлаганда

«Оқ олтин» далаларида ҳаёт жўшқин. Мўл-кўл ҳосилни ўз вақтида, сифатли йиғиб-териб олиш учун халқимиз фидокорона меҳнат қиляпти. Ҳозир далаларда шаҳарликлар ҳам куз гаштини суриб, пахта теримида қизғин қатнашишмоқда.

Пахта териш мавсумини яхши ўтказишда ҳар бир киши сиҳат-саломатлигига, бардам бўлишга эътибор бериши, санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиши керак.

Аввало шуни айтиш керакки, олтин куз фаслида, очиқ далада соф ҳавода кўпчилик билан гурунглашиб меҳнат қилиш инсон асабини мустаҳкамлайди, қон айланишини яхшилайди, нафас олишни енгиллаштиради, иштаҳани очади, кучга куч қўшилади. Жисмоний меҳнат — танга роҳат бағишлайди.

Пахта йиғим-теримида кўпдан иштирок этган ҳашарчилар дала шароитига тезда кўникиб, унумли меҳнат қиладилар, ўзларини бардам-бақувват ҳис этадилар. Улар меҳнат қилган сари кучларига куч қўшилади.

Дала шароитида теримчилар меҳнатини тўғри ташкил этиш, уларнинг овқатланишлари, ичимлик сув билан таъминланишлари, шахсий гигиена, дам олишни ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар бир теримчи шундай кийиниши керакки, кийим уни ташқи муҳитдаги кескин, ўзгарувчан ҳароратдан, намликдан яхши сақлаши, ишлаш фаолиятига қулай бўлиши лозим. Ичдан кийиш учун икки-уч сидра пахта материалидан тикилган ич кийим керак. Кўйлак ёки сарочкалар бумази ёки ўзида иссиқликни яхши сақлайдиган пахмоқ материалдан бўлсин. Салқин тушганда кўйлак ва сарочкалар устидан юнгдан тўқилган тўр куйлаклар, гамаш, шим кийиш айни муддао бўлади.

Жинси материалдан ишбоп қилиб тикилган костюм ва шим пахта шароитида жуда қулай бўлади. Бошга иссиқни яхши сақлайдиган, қуёш нурини кўп ўтказмайдиган қалпоқ кийиш полиэтилен дуррачалар, пахмоқ ёки жундан тўқилган косинка-рўмоллар ўраш мумкин.

Оёққа пайтава ёки жун пайпоқ билан керз этик кийиш керак. Кечқурун пахтазордан келгач, оёққа енгил пойафзал кийиб олса бўлади. Оёқни тез-тез ювиб туриш асабни яхшилайди, дам беради.

Ҳашарчи теримчилар кун бўйи пахтазорда қизғин меҳнат қилишади. Бунда кўп куч сарфланади. Шунга яраша овқатланиш, овқат сифатли, калорияли, сервитамин бўлиши керак. Теримчилар маълум бир соатда ҳар куни уч марта овқатланишлари шарт. Ошхона тоза, озода, саранжом-саришта бўлиши, ошпазлар медицина кўригидан ўтиши лозим. Ошхонада асбоб-анжомлар, керакли матолар етарли, покиза бўлсин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини қулай, усти ёпиқ, озода жойда сақлаш керак. Теримчиларга шийпонда доимий иссиқ чой, яхна чой ташкил этиш лозим, токи улар ариқдан сув ичишмасин. Ариқ сувларида кимёвий моддалар, турли микроблар бўлади, ундан ичиш оғир юқумли касалликка олиб келиши мумкин.

Теримчилар учун ётоқхона атрофида душ, умивальник бўлиши лозим. Ҳашарчилар ҳафтада камида бир марта кийим-бошларини алмаштиришлари, ҳаммомга тушишлари, ўрин-кўрпаларини ҳар куни маълум тартибга солишлари керак.

Пахта териш пайтида кўсак, чаноқ қўл бармоқларини шилади. Бармоқларда тилиниш, шилиниш бўлса тезда «кўк дори», йод эритмаси қўйилади. Яхшиси унга «БФ—2» елими суртиб қўйилса бўлади. Бармоқлар касалланмаслиги учун кечқурун ётишдан олдин илиқ сувли ванна қилиш, сўнг глицерин ёки бирор қўл креми суртиш керак. Эрталаб теримга боришдан олдин қўлдаги кичик жароҳатларга лейкопластир ёпиштириш ёки «БФ— 2» клейидан суртиш керак.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейилгани тўғри. Ҳашарчиларга кўнгилли маданий ҳордиқ уюштириш, концертлар қўйиб бериш, кинофильмлар намойиш қилиш айни муддао бўлади.

Завқли меҳнатдан кейин кўнгилли дам олган одам эртаси куни бардам, яхши кайфият билан меҳнат қилади.

А. ТОҲИРИЙ,
медицина фанлари кандидати, доцент.

Тошкент чинни заводи коллективининг ўн биринчи беш йилликдаги энг муҳим вазифаларидан бири маҳсулот сифатини янада юксалтириш ҳамда яхшилаш вазифаси саналади. Корхона ишчилари бу масалага қатта эътибор билан қарамоқдалар.

СУРАТДА: корхона рассоми Н. Мирзааҳмедова чинни идишларга чизилган нақшларни кўздан кечирмоқда. У туширaётган нақшлар юксак сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

В. Сироткин фотоси.

УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

МУНОСИБ СОВҒА

Сўлим Тошкентимизнинг Пушкин кўчасида тўртта кўркам бино кундан-кунга қад ростламоқда. Бу гўзал биноларни пойтахтимиз Москвадан келган «Мосжилстрой» трестининг 220-қурилиш бошқармасининг 700 дан ортиқ илғор қурувчилари бунёд қилмоқдалар.

Биноларнинг ҳар бирига 75 тадан оила кўчиб киради.

— 1981 йилнинг май ойида «Главташкентстрой»нинг азамат қурувчилари бу ерда пойдевор қўйиб беришган эди. Мана ҳадемай биноларни фойдаланишга топширамиз, — дейди 220-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Григорий Филлипович Штаньков. Квартал планларни ортиғи билан адо этяпмиз. Қурувчиларимиз ўртасида социалистик мусобақа кенг ташкил этилган, «Энг илғор қурувчи номига эришайлик» ташаббуси кенг ёйилган. Мана, ҳозир биноларимизнинг биттаси фойдаланишга топширилиш арафасида турибди. Социалистик мусобақада В. Бичков, В. Гладилин бригадалари пешқадамлик қилишмоқда.

И. ОЧИЛОВ.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ОБУНА ҚИЗҒИН

«Главташкентстрой»га қарашли 4-трестнинг 6-қурилиш бошқармаси коллективи келгуси йил газета ва журналларга обуна бўлишни тўла-тўкис тугалладилар.

Ёш коммунистлардан Ю. Анохин 97 сўмлик газета ва журналга обуна бўлди. Кекса коммунистлардан Н. Перегудина 55 сўмлик, А. Аҳмадулина 55 сўмлик, А. Бўронов 35 сўмлик газета ва журнал ўқийдиган бўлишди. 6-қурилиш бошқармаси коллективи ҳаммаси бўлиб икки минг бир юз ўттиз сўмлик газета ва журналларга обуна бўлди. А. БЎРОНОВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

ЯХШИ БЎЛАРДИ...

Тошкент тўқимачилик комбинати билан медиклар шаҳарчаси оралиғида қатновчи 34-«э» автобуснинг тўхташ бекатлари ғалати белгиланган: «Спорт товар» бекатидан студентлар шаҳарчасига автобус деярли ҳар бекатда тўхтаб, оддий маршрутдаги автобуслардек ҳаракат қилади. Аммо шуниси ачинарлики, «Тошкент Советининг 50 йиллиги» номли бекатда бу автобус тўхтамай ўтади. Ваҳоланки, бу бекат яқинида болалар касалхонаси, «Малика» трикотаж бирлашмасининг филиали, туғруқхона, студентлар ётоқхонаси, илмий текшириш институти, қурилиш бошқармаси, кинотеатр каби муҳим объектлар жойлашган. Агар автобус мана шу бекатда ҳам тўхтаб ўтса аҳоли учун катта қулайлик яратилган бўларди. Ф. ШОҲИДОВ, ишчи.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ҚАРОВСИЗ БЕКАТ

Ишчилар шаҳарчасидаги 2-троллейбуснинг охирги бекатида йўловчилар учун ҳеч қандай шароит йўқ. Кишилар ёзда офтоб, қишда қор-ёмғир остида троллейбус кутишади. Устига-устак бир вақтлар аҳолига яхшигина хизмат кўрсатиб турган чойхона (1977 йилда бузиб ташланган) ўрни ахлатхонага айланиб кетган, бекат атрофидаги савдо шахобчаларининг чиқиндилари тўғридан-тўғри ўша ерга ташланмоқда. Бундан ташқари дарахтлар қуриб, кундан-кунга бу майдон тобора харобалашиб бормоқда. Аммо, негадир бу нохуш аҳвол Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларини ташвишга солмаяпти.

Н. ОМОНОВ.

ЗОРА ЧЕК ҚЎЙИЛСА

Ҳамза районидаги Тўрткўл кўчасининг бугунги аҳволини кўрган киши беихтиёр таажжубланиши мумкин. Чунки кўча чеккаларида, ҳар ер-ҳар ерда уюлиб, бижғиб ётган чиқинди уюмлари кўча ҳуснига доғ бўлиб, ўтган-кетганнинг таъбини хира қилмоқда. Аммо район «Автодормехбаза» хўжалигининг раҳбарлари кўчадаги бу нохуш ҳолга бефарқ қарашмоқда. Уларнинг совуққонлигини кўчага ҳар 3—4 кунда бир келадиган чиқинди машинаси ва ишчиларнинг ҳафсаласизлигидан ҳам билса бўлади. Маҳалла аҳолиси бу нохуш аҳволни тузатиш ҳақида «Автодормехбаза» раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилишди. Бироқ ҳеч қанақа натижа чиқмаяпти.

М. МУҲАММАДЗОКИРОВА.

Қиш—синов даври

Тайёргарлик пухта бўлса...

Сергели районидаги уй-жой ишлаб чиқариш тресги ва уй-жойлардан фойдаланиш идоралари хизматчилари қиш мавсумига жиддий ва зудлик билан тайёргарлик кўришиб, ой сайин планда белгиланган ишларни ортиғи билан адо этиб келмоқда. Ўтган 8 ой мобайнида 4068 минг квадрат метр турар жой капитал ремонтдан чиқарилди, яъни капитал ремонт бўйича бўлган 8 ойлик план 103,5 процент бажарилди. Жорий ремонт ишлари 105,4 процентни ташкил этди: 1026 та турар жой биносидаги иситиш системалари профилактикадан чиқарилиб, ювиш ишлари тўла тугатилди. 170 иситиш тармоғи ремонт қилинди. Томлар ремонтига ҳам катта эътибор берилди: 2082 минг квадрат метр шиферли том, 6761 минг квадрат метр тўл билан томлар ўтган вақтлар ичида ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, водопровод, канализация газ тармоқлари ва ўт ўчириш жиҳозлари ҳам совуқ мавсумга ҳозирланмоқда.

Қишга бўлган тайёргарлик ишлари аниқ план асосида олиб борилмоқда. План ўтган қиш мавсумида учраган нуқсон ва камчиликлар ҳамда аҳоли шикояти юзасидан тузилади. Асосий эътибор ёқилғи-энергетика ресурсларидан тўғри фойдаланиш, уларни тежашга қаратилмоқда. Жойлардаги маҳаллий комитет аъзолари, актив жамоатчилар аҳоли ўртасида, турар-жой биноларини асраш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Натижада, подъезд эшиклари, ойналари, яъни бинодаги жамики маиший жиҳозлар кўз қорачўғидай асралади — аҳоли жамоат мулкини ўз шахсий мулкидай авайлаб-асрамоққа кўникмоқда. Чунки қиш пайтида ойнаси синган тирқишлардан кирган совуқ ҳам бинодаги нормал иссиқликни камайтириши мумкин.

Қиш мавсумига тайёргарлик социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Бунда Ю. Ким бошлиқ 57-ЖЭК коллективи (2-Сергели) пешқадамлик қилиб, ўтган 8 ой мобайнида бу коллектив қишга тўла тайёргарлик кўриб бўлди.

Совуқ кунларда турар-жой биноларининг тўлиқ иситилиши ёки иситилмаслиги қозонхоналарнинг нечоғлик созлигига боғлиқдир. Шу кунларда Спутник массивида жойлашган шаҳар қозонхоналар бирлашмасига қарашли қозонхонада бир қанча, яъни иссиқлик ва сантехника тармоқлари бўйича ремонт ишлари олиб борилмоқда. Бунда, НР-18 типидаги 8 та янги қозон ўрнатилган. Бу тадбирлар турар-жой бинолари ва бошқа объектларни иссиқлик билан янада яхшироқ таъминлаш кўзда тутилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ишга жиддий тўсқинлик қилаётган камчиликлар ҳам йўқ эмас, буни оддийгина қилиб нуқсон ёки камчилик, деб бўлмайди, очиқ равишда муаммо, муаммо бўлгандаям тезроқ ва ҳеч кечиктириб бўлмайдиган муаммо деб атамоқ керак. Масалан, Қуйлиқ— 5«б» массивидаги кўпгина турар-жой биноларининг ертўлалари ёритилмаган, эшиклари ёпилмаган, энг ташвишлиси шунда-ки, томлардан чакка ўтиб, аҳолига ноқулайлик туғдирмоқда. Бу биноларни фойдаланишга топширган «Главташкентстрой» бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинати ишчилари «қўлдан ўтар— эгасига етар» қабилада иш тутишган, натижада, бугунги кунда бинолар ремонти қийин муаммолардан бирига айланиб қолган. Бундан ташқари, турар-жой биноларини қишга тайёрлашда бизга ёрдам бераётган айрим қурилиш ташкилотларининг боқибеғамлиги, масъулиятсизлиги ҳам ишнинг бир текис кетишига қаттиқ халақит бермоқда: В. Полтаранин бошлиқ 9-қурилиш ремонт бошқармаси коллективи сўнгги вақтда биноларни капитал ремонт қилиш графигини узлуксиз равишда бузиб келмоқда. Икки ярим ой муқаддам бошқарма ишчилари Спутник массивининг 1-кварталидаги 43-уйда капитал ремонт ишларини бошлаши лозим эди. Аммо шу пайтгача ҳеч қанақа иш олиб борилмаган. 4-Сергелидаги 10, 12, 8, 32, 3, 7, 1, 19, 25, 26-уйлар ва бошқа массивлардаги бинолар томи сифатсиз ишланган, эрта-индин ёмғир қуйса, чакка ўтиши турган гап. Юқоридаги бу камчиликларни тузатиб беришларини илтимос қилиб 1-уйсозлик комбинати ва 31-қурилиш бошқармаси раҳбарларига неча бор мурожаат қилган бўлсакда, сифатсиз бинолар ижрочиси бўлган бу қурувчи раҳбарлар ўзлари йўл қўйган нуқсонларни тузатишга шошилишмаяпти.

Ҳар йили қишга пухта тайёрланиш учун қанча-қанча маблағ ва ишчи кучи сарф қиламиз. Аммо шуни очиқ айтмоқ керакки, бу борада аъло натижага эришиб бўлмаётир. Чунки юқорида номи зикр этилган қурилиш ташкилотлари қолдирган камчиликлар шикоятларга сабаб бўлмоқда. Яхши натижага эришиш учун мақсад ягона бўлмоғи керак. Бу тўғрида районимиз территориясида меҳнат қилаётган қурувчи коллективлар чуқур ўйлаб, нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишса яхши бўларди.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
Сергели район уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трестининг бошлиғи.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

«Марказ—6» кварталида фойдаланишга топширилган Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармаси ва Киров район ички ишлар бошқармасининг тўққиз қаватли биноси микрорайон ҳуснига кўрк қўшиб юборди. Ҳозирда ана шу ерда ёрдамчи бинолар бунёд этиш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Бу ерда асосий бинога туташтирилган ҳолда депо, кино зали, ошхона ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилмоқда.

Қурувчилар биринчи қаватда ўт ўчириш машиналаридан 20 таси; енгил машиналардан 25 таси сиғадиган депони қуриб битказдилар ва асосий кучни ошхона ва кино зали қурилишига ташладилар.

159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ёрдамчи объектларни СССРнинг 60 йиллик тўйига қадар фойдаланишга топширамиз демоқдалар. Бу сўзни монтажчилар М. Шаропов, С. Шокиров, дурадгорлар И. Ваапов, О. Иброҳимов, бетончилар С. Эсонов, О. Смирнова ва бошқалар ишда исботламоқдалар. Улар кунлик нормаларини 1,5-2 баравар бажаришяпти.

С. СУЛТОНОВ.

Қардошлик қонунига биноан Пушкин кўчасида москваликлар томонидан бунёд этилаётган муҳташам турар жой бинолари шаҳримиз кўркига-кўрк қўшяпти. «Дўстлик» микрорайонида юзлаб тошкентлик оилалар уй тўйини ўтказишади.

Студентлар ташаббуси

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг инженерлик педагогикаси факультетида ёшлар халқ хўжалигида ишлатиладиган мураккаб техника воситаларини бошқаришни ўрганадилар. Натижада кўпгина студентлар пахта териш машиналарининг тузилиши ва уларни бошқариш ишига жуда қизиқиб қолишган. Аудиторияларда эгалланган билимлар бу ёшларни пахта далаларида жавлон уришга илҳомлантирди.

Шундай қилиб факультетнинг 50 студентидан иборат махсус механизаторлар отряди Жиззах областининг Мирзачўл районидаги «Совет Россияси», «Тошкент», «Ўзбекистон» совхозларида дала меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бериш мақсадида жўнаб кетдилар. Бу отряд «зангори кема»ларни ремонт қилишда ёрдам бериш билан бирга далада пахта теришнинг уддасидан чиқмоқда.

Студентлардан Дилшод Эргашев, Тўлғаной Ҳақбердиева, Муҳиддин Камолиддинов, Мирзаҳаким Марзааҳмедов, Хотам Жўраев, Зокиржон Исмоилов, Равиль Мингалиев ва бошқалар машиналарни бетиним бошқармоқдалар.

Институт студентларининг шу кунга қадар давлат хирмонига машинада тўккан пахтаси 15 тоннадан ошиб кетди. Улар мавсум охирига қадар яна бир неча ўнлаб тонна пахта териш ниятидалар.

М. ПЎЛАТОВ.

ТОШКЕНТ

Тошкент тарихини биласизми?

«ОҚШОМ» АНКЕТАСИГА КЕЛГАН ЖАВОБЛАРДАН

КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИНИНГ ЖАМОЛИ

Қадимий ва кўҳна «Чорсу» тепалиги устида қад кўтарган бу ажойиб бинони XVI асрда Наврўз Аҳмадхон — Барақхон ва унинг ўртанча ўғли Дарвешхоннинг забардаст вазири Кўкалдош ўз номини тарихда абадийлаштириш ҳамда обрўсини янада орттириш мақсадида бунёд эттирган. Ўша вақтларда Кўкалдош мадрасаси. Жомн масжиди, Хўжа Аҳрор мадрасаси ва шу каби биноларнинг қадимий шаҳристон тепалигига қурилиши шаҳар кўркига кўрк қўшган.

Мадрасанинг меъморий геометрик ечими, ташқи томонларининг нозик, ранг-баранг сирқор кошинлар, парчинлар билан, нафис ташқи ва ички пештоқларя ҳамда гумбазларининг чиройли нақшлар билан безатилиши ўша даврдаги Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа йирик шаҳарлардаги муҳташам ёдгорликлардан қолишмаган.

Меҳнатсевар халқ усталари, меъморлари, муҳандислари томонидан моҳирона бунёд этилган, ўтмиш замонлар гувоҳлигини ўзида мужассам этган, ўрта аср шаҳрининг монументал биноларидан бири бўлмиш Кўкалдош мадрасаси шаҳримизнинг Навоий кўчасидаги Бош универсал магазини билан «Москва» меҳмонхонаси рўпарасида жойлашган.

Тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида қурилган мадрасанинг томонлари 45х65 метр бўлиб, қиркка яқин ҳужрадан иборат. У икки қаватли, бош фасади жанубга қаратиб сиркор парчин ва геометрик нақшлар билан безатилган буюк пештоқ, унинг икки ёнига икки қаватли равоқлар ишланган ошёнли ҳоналар тартиб билан жойлаштирилган. Кўркам фасад бурчакларига ишланган гулдасталар гўёки мадраса сочилиб кетишидан сақлаётгандек кўриниб, унга салобат бағишлаб туради. Пештоқ орқали кираверишдаги дарвозахонанинг чап томонида дарсхона, ўнг томонида эса масжид деб аталмиш катта ҳоналар тартибли жойлашган. Бу ҳоналарнинг фарқи ҳоч шаклида бўлиб, юқори қисмлари ўзаро кесишган равоқлар устига ўрнатилган гумбазлардан иборат. Улар устига барабан, яъни гардишсимон асосга ўрнатилган феруза рангли парчинлар билан безатилган чиройли қўш гумбазлар бўлган.

Вақтлар ўтиши билан бўлиб ўтган феодал урушлари, кучли зилзилалар, турли даврларда фойдаланишлар ва бир неча бор ремонт қилиниши натижасида мадраса-нинг дастлабки ташқи кўриниши ўзгариб кетди. Ўз тарихи давомида неча бор вайронага айланган бинонинг илк кўринишидан бизнинг даврнмизча, гир айлана равоқли, гумбазли ҳужралари, устунли ёзги ҳужра айвонлари, ҳар томонлама ҳужралар билан ўралган чўзинчоқ ҳовлиси ва кичик ҳовли пештоқлари сақланиб қолган. Шу пештоқларда сақланиб қолган баъзи безак нақшлари бино ички ҳам юксак дид билан ишланганлигидан далолат беради.



XVIII асрнинг бошларига келиб мадраса биноси турли сабабларга кўра ташландиқ ҳолатга келтирилиб, ундан бир неча вақтлар мобайнида карвонсарой ва бошқа мақсадларда фойдаланиб келинди. Баъзи бир тарихий манбаларда келтирилишича 1830 — 1831 йиллар мобайнида мадрасанинг иккинчи қавати бузилиб, ундан чиққан гиштлар турли мақсадларда фойдаланилган, деган маълумотлар келтирилади. Лекин кейинги йилларда олиб борилган самарали илмий-қидирув ишлари, иморатнинг дастлабки шаклини аниқлаш борасида изланишлар, хулосаси шуни кўрсатдики, мадраса олди икки қаватли бўлиб, қолган қисми эса бир қаватли қурилганлигидан далолат беради.

Бош пештоқнинг ғарбий ҳамда шарқий томонларига жойлашган масжид ва дарсхоналарнинг ташқи гумбазлари ҳам худди шу даврда бузиб олинган деб тахмин қилинади. Лекин мадраса 1868 йилги зилзилада ярим вайронага айланди. Бу вайронгарчиликдан кейин 1903 йилларга келиб шаҳар аҳлидан йиғилган маблағ ҳисобига таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларга қобилиятли халқ усталари жалб этилмаганлиги сабабли бўлса керак, ёдгорлик ўзининг аввалги ҳолатига қайтарилмади. Фақат унинг бош пештоқи, ёнларидаги қулаб тушган гулдасталари ва иккинчи қаватнинг айрим қисмларигина тузатилди. Бош пештоқнинг юқори қисми эса, тикланмай қолаверди. Мадрасани таъмирлаш-да қатнашган усталар таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари малакали меъморлар ҳамда қобилиятли халқ усталари томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Мадраса атрофи тозаланиб, дарахтлар ўтқазилди, йўлкалар қилинди. Қадимий шаҳристон тепалигига жойлашган бино томон аста-секин кўтарилувчи традицион услубда зинапоялар ишланди. Бу эса мадраса қоматини янада улуғлади.

XVI асрнинг ноёб ва ажойиб меъморий ёдгорлиги бўлмиш Кўкалдош мадрасаси устида олиб борилган назарий тадқиқотлар, реставрация ишлари натижасида, қисман шикастланиб, кўп қисми қулаб тушди.

1950 йиллардан бошлаб ўрта аср ноёб меъморчилик ёдгорликларини кенг кўламда ўрганиш, сақлаш ва



тиклашга киришди. Бунақа камарни полвонлар, гимнастлар, штанга кўтарувчилар тақади. Чунки у бел мускулларини чиниқтириб, спортчидаги ортиқча вазнини йўқотишга ёрдам беради. Камарнинг оғирлиги 2 килограмму 200 граммдир.

ҒАЛАТИ ОДАТ

Жанубий Африкада, аҳолиси 530 минг кишилик Свазиленд деган кичик мамлакат бор. Унга 61 йилдан бери монах Собхуза бошчилик қилиб келди. Монахнинг 100 тадан ортиқ хотини бўлиб, улардан 400 дан кўпроқ фарзанд кўрган. Монах болаларининг энг каттаси ҳозир 50 ёшда, кичиги 11 ёшда.

Август ойида монахкорол 83 ёшида вафот этди. Уни одат бўйича тунда мўмёлаб ғорга кўйилди. Қабр-ғор оғзига қора буқа боғлаб кетилди. Уни боқиш ман этилади. Чунки буқа очидан ўлган кун —мамлакат бўйлаб мотам тугалланган ҳисобланади.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

Илмий ғоялар дунёсида

ЗИЛЗИЛА БЎЛИШИ КАЛЕНДАРДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛАДИМИ?

Ҳар бир сейсмик эона учун ўзининг ер ости «бўрони» календари бўлиб, шунга қараб йил, ой, кун мобайнида офатнинг энг актив даврларини белгилаш мумкин бўлади. Томск политехника институти ва СССР Фанлар академиясининг Пржевальск сейсмостанцияси мутахассислари билан биргаликда зилзилаларни прогноз қилиш имкониятларини ўрганиб чиқаётган Пржевальск педагогика институтининг ходимлари шундай хулосага келдилар.

Ер табиий электромагнит майдони импульсларининг ўзгариши—етилаётган ер ости силкинишининг аниқ аломатларидан бири эканлиги маълум бўлди. Чуқур ер ости узилишларидаги кучли тектоник зўриқишлар шундай ўзгаришларни вужудга келтиради. Бу зўриқишлар ер пўстлоғи блокларини силжитишга, яъни зилзилага олиб келади.

Зўриқиш кучи эса қўшнининг ерга нисбатан тутган ҳолатига боғлиқ бўлиб чиқди. Ой эмас, балки қўш кучли зилзилаларни ўзига хос ишга солувчи механизм бўлиб хизмат қиладиган тортиш кучига эга бўлган асосий самовий жисмдир. Ҳолбуки сўнгги пайтларгача ой шу вазифани адо этади, деб ҳисобланиб келинар эди. Ўрта Осиёда юз берган бир неча катта зилзилалар чоғида, шунингдек кейинги 100 йил ичида мамлакатнинг 12 сейсмик эонасида юз берган кучли ер ости силкинишлари кун ва ойнинг қайси вақтларида рўй берганлигини анализ қилиниб, мана шу назария текшириб кўрилди ва тасдиқланди.

— Бундан бир неча йил аввал, — дейди Пржевальск педагогика институти умумий физика кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Т. Кочербаев.— таниқли совет геофизиги Н. Парийский чуқур ер ости узилишлари ер юзига нисбатан турли бурчак ҳосил қилиб жойлашганлигидан зилзилалар вужудга келиши учун оғирлик кучининг қалқиб ўзгаришларидан кўра, шу қалқишлар вужудга келтирган тектоник зўриқишларнинг ўзгариш тезлиги муҳимдир, деган фикрни айтганди. Шунинг учун ҳам тектоник силжиш максимумлари одатда оғирлик кучининг энг катта қалқиб ўзгаришларига мос келмайди. Ойнинг қалқиб турувчи таъсири қўшнининг қалқиб турувчи таъсирига нисбатан 2,2 марта кучлироқ бўлишига қарамай ойники ер ости силкинишининг вужудга келишида ёрдамчи роль ўйнайди холос. Чунки қўшнининг тортиш кучи муайян регионларга куннинг доимо бир пайтида таъсир кўрсатади, ҳолбуки ойнинг қалқиб турувчи таъсири бундай даврийликда бўлмайди. Тома-тома тошни тешадиган томчи сингари қўшнининг кучи кучсизроқ бўлса-да, лекин муntазам қалқиб турувчи кучи ойнинг «ўзгарувчан» қалқиб турувчи кучига нисбатан ер блокларига активроқ таъсир кўрсатади.

Ер табиий электромагнит майдони ўзгаришларини қўш ва ой ҳолатларига қиёслаб, ҳар бир зилзила ўчоғи учун зилзила бўлиш ҳавфи зўрайган соат, кун, ойларнинг бир мунча аниқ графигини тузиб чиқса бўлади. Шундай календарь ёрдами билан эса ер ости «бўронлари»ни прогноз этиш қийин бўлмайди.

А. БАРШАЙ,
ТАСС мухбири.
Пржевальск,
Қирғизистон ССР.

Ватан хизматига тайёрмиз

Шарафли бурч

Пойтахтимиздаги Куйбишев район ҳарбий комиссариатидан ҳар чақирув мавсумида 1000 дан зиёд йигитлар тантана билан шонли Совет Армияси сафига кузатилади. Бу ёшлар бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларида Ватан ва халқ олдидаги муқаддас фарзандлик бурчларини шараф билан бажармоқдалар.

Ҳарбий комиссариатнинг офицерлик состави навбатдаги чақирув мавсумига ҳам катта тайёргарлик кўрди. Шаҳримиздаги Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида район миқёсида анъанавий «Ҳарбий хизматга чақирувчилар куни» ўтказилди. Ана шу тантанада Улуғ Ватан уруши ветерани, иккита Ленин ордени, жанговар Қизил Байроқ ордени кавалери С. Д. Коротков ҳарбий хизматга чақирилувчиларга ўз жанговар йўли ҳақида гапириб берди. Ветеран шунингдек, ёшларни Ватанимиз олдидаги ўз фарзандлик бурчларини чуқур англаб, уларни фидойиларча хизмат қилишга чорлади.

Ҳарбий комиссариат айни пайтда шаҳар районлари ҳарбий комиссариатлари ўртасида СССР 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Н. Миносян, Виталий Друзенко, Рауф Аҳмедов, Александр Галянин сингари офицерлар ҳамда Куйбишев район комсомол комитетининг секретари Улуғбек Иноғомовлар ёшларни Совет Армияси сафига кузатиш, шунингдек, улар билан ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида суҳбатлар ва кечалар ўтказиш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.

Матбуот, радио ва телевидение Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига кубалик ишчилар билан уларга ёрдам бераётган совет мутахассислари ўртасида соцналистик мусобақа қандай бораётганлиги тўғрисида ҳар куни ҳабар қилиб турибди. Куба ишчилари ва Совет мутахассислари 220 электр линиясининг 170 километрлик шарқий участкасида — беш йилликнинг зарбдор комсомол қурилишида меҳнат қилмоқдалар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АЖОЙИБ ТУҲФА

УЛАН-БАТОР. Социалистик Монголиянинг навқирон индустриал маркази Эрдэнэт шаҳрининг меҳнаткашлари ажойиб туҳфа олдилар: бу ерда маиший хизмат кўрсатиш янги маркази ўз эшикларини меҳмондўстлик билан очди. Марказда турли ремонт устахоналари, универмаг, ошхона, сартарошхона, кўпгина бошқа ишхоналар бор. Техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан таъминланган марказ бир кунда деярли 15 минг нафар қишига хизмат кўрсатиши мумкин.

Меҳнаткашлар турмуш шароитларининг доимо яхшиланаётганлиги —Монголия халқ революцион партияси социал сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Бу соҳада маиший хизмат кўрсатиш етакчи роль ўйнамоқда. Ўн йил муқадам ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш республика халқ хўжалигининг муттасил ривожланаётган мустақил тармоғига айланди.

Янги энергоблок

Мадҳя-прадеш штатининг Корба шаҳрида кенгайтирилаётган иссиқлик энергетика комплексининг янги навбати биринчи энергоагрегати ишга туширилди. Шу шонли воқеага бағишлаб ўтказилган тантанали митингда штат ҳукуматининг САР министри Аржу Сингх гапириб, янги энергоагрегатни ишга тушириш Корбадаги энергетика комплексини ривожлантиришда муҳим бир босқич, 1980—1985 йилларда мамлакатни социал иқтисодий ривожлантириш VI беш йиллик планида мамлакат энергетикаси олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга қўшилган салмоқли ҳиссадир, деди. Янги навбатнинг 1984 йил августида қуриб битириш мўлжалланган бошқа уч турбоагрегати комплексининг қувватини 840 минг киловаттгача кўпайтиришга ва агрегатларнинг жами қувватини 1 миллион 380 киловаттгача етказишга имкон беради.

САР министри лойиҳани амалга ошириш устида ишлаётган қурувчилар, инженерлар ва техникларни қутлаб Мадҳя-прадеш мамлакатнинг асосий энергетика марказларидан бирига айланадиган пайт узоқ эмас, деб таъкидлади.

Корбада иссиқлик электростанцияси қурилиши Ҳиндистон энергетика базасини ривожлантириш соҳасида Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигини бошлаб берди, деб ёзади мамлакатнинг марказий матбуоти. ТЭСнинг ишга соҳадаги бошқа объектлар орасида энг яқши деб топилди. 1976—1977 молия йилида унга Ҳиндистон энергетика министрлигининг биринчи мукофоти берилди.

А. НИКОЛАЕВ.



София. Ушбу қўнғироқларни биринчи Халқаро болалар ассамблеяси қатнашчилари бўлган давлатлар юборишган.
О. Литвин ва А. Смирнов фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

ДЎСТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ГАВАНА. Кубада Лотин Америкасида энг катта ягона миллий энергия системасини барпо этиш ниҳоясига етмоқда.

Шу кунларда Сьенфуэгос шаҳри яқинида 220 минг вольтли янги таянч кичик станцияси синовдан ўтказилмоқда, Артемис — Пинардель — Рио ва Кузто —Пунта—Горда участкаларидаги ишлар авж олдириб юборилган. Бу участкаларнинг ишга туширилиши билан бутун ороли гарбдан шарққа кесиб ўтувчи 220 минг вольтли электр линияси магистрали мамлакат энергетика потенциалини бошқарувни марказлаштиришга, саноат, қишлоқ хўжалиги ва турмуш эҳтиёжлари учун энергияни оқилона тақсимлашга имкон беради.

ОЛИМЛАРНИНГ АНЖУМАНИ

МОНРОВИЯ. Либерия университетида Ғарбий Африкада фан ва техникани ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш проблемаларига бағишланган конференция очилди. Конференцияда Гамбия, Гана, Камерун, Либерия, Нигерия ва Сьерра Леонедан келган қишлоқ хўжалиги геология, кончилик ишлари, экономика соҳасида иш олиб борувчи мутахассислар, социологлар қатнашмоқда.

Конференция нияни очиш маросимида сўзга чиққан Либерия геология хизмати директори Ўжин Шэнон Африка мамлакатлари минерал, энергетика ва одам ресурслари ғоят кўп бўлишига қарамай, бу ерда саноат ривожланишида анчагина қолоқлик мавжудлигини таъкидлади. У Ғарбий Африка халқларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун табиат бойликларидан тўла ва самарали фойдаланиш мақсадида региондаги давлатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлигини уқтириб ўтди.

Янги қонун лойиҳаси

ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг вакиллари палатаси маст ҳолда автомашина ҳайдашга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини қабул қилди. Бундан аввал Америка сенати шундай қонунни қабул қилган эди.

Йўлда қатнаш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш штатлар маъмурлари ихтиёрида бўлганлигидан вакиллар палатасининг қонун лойиҳаси маст ҳайдовчиларга қарши курашиш борасида қатъий қонунларни жорий этадиган штатларга жами 125 миллион доллар пул ажратилишини кўзда тутади. Бундай қонун ҳайдовчи маст ҳолда ушлангудек бўлса, у маълум муддат ўз-ўзидан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилиши ва бошқа жазо чоралари кўрилишини, албатта, назарда тутмоғи керак.

Қонун лойиҳасининг авторларидан бири конгресс аъзоси М. Барнес гапириб, ҳар йили маст ҳайдовчилар босиб кетиши ва авариялар қилиши натижасида Америка йўлларида 25 минг киши, шу жумладан кўпдан-кўп болалар нобуд бўлиб турганлигини айтди. Бундан ҳам кўпроқ кишилар майиб бўлмоқдалар ва оқибатда уларнинг кўплари бир умрга мажруҳ бўлиб қолмоқдалар.

«ОРТИҚЧА» КИШИЛАР

БОНН. Нюрнбергдаги меҳнат масалалари билан шуғулланувчи федерал бошқармаси эълон қилган маълумотлар ГФРда меҳнат бозоридаги аҳвол янада кескинлашганлигидан далолат беради. Шу йилнинг сентябрь ойи охиригача мамлакатда ишсизлар 1 миллион 820 030 кишига етган. «Ортиқча» кишилар ГФРдаги барча меҳнатга қобилиятли аҳолининг 7,5 процентини ташкил этади.

ППА информация агентлиги ана шу маълумотларни шарҳлаб, тахмин қилишларича ГФРда ишсизлар армияси шу йилнинг охиригача 2 миллион кишидан ошиб кетади, деб таъкидлайди. Ишлар ўртасида ишсизликнинг кескин кўпайиб кетаётганлиги айниқса ташвиш туғдирмоқда. 20 ёшга етмаган йигит ва қизлардан 187 минг 214 киши бехудага иш қидирмоқда.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина аграр федерациясининг (ААФ) бу ерда бўлиб ўтган 70-йиллик съездида муҳим проблемалар муҳокама этилди. Съезд ишида мамлакатнинг майда ва ўрта ҳол заминдорлар вакиллари бўлган уч юздан кўп делегат иштирок этди.

Съезд делегатлари Аргентинанинг қишлоқ хўжалигида вужудга келган танг аҳволга алоҳида эътиборни жалб этдилар. Улар баъзибир доиралар-нинг халқаро валюта фондига ёрдам беришга уринаётганликларини қораладилар. Халқаро валюта фондига ёрдам бериш эса меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини камситувчи бир қанча шартлар билан изоҳланади.

Делегатлар мамлакатдаги турмушни демократлаштиришга қаратилган сиёсат ўтказилишини ёқлаб чиқдилар. Съездда ерни олди-сотди қилишга чек қўйиш ва латифундияларни тугатиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

КАТТИҚ НАЗОРАТ КЕРАК

ЖЕНЕВА. Саноат оқиндиларини денгиз ва океанларга ташлаш ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини заҳарлабгина қолмай, атроф-муҳитга катта зиён ҳам келтиради, деб таъкидланади БМТ тараққиёт программаси тайёрлаган «Денгиз ва океанларнинг аҳволи» деган докладда. Мексика кўрфази, Ўрта денгиз, Шимолий денгиз ва Балтика денгизи экваториялларида айниқса ташвишли вазият вужудга келди. Бу денгизларнинг сувн ғоят кўп булғанган.

Шу денгизларнинг айрим районларида булғанниш даражаси шу қадар каттаки, балиқларга емиш бўлувчи тирик организмлар йўқолиб битди, бу эса балиқ запасларининг камайишига олиб келди. Денгиз сувидаги айрим заҳарли моддалар, денгиз маҳсулотлари орқали одам организмига ўтиб, кишилар ҳаёти ва соғлиғига хавф солмоқда.

БМТ тараққиёт программаси экспертларининг фикрича, соҳил бўйидаги денгиз сувининг булғанишига йўл қўймаслик учун, айниқса, қаттиқ контроль ўрнатиш ва самарали чоралар кўриш зарур.

НАБОТОТ—ҲАЁТ МАНБАЙ.

Минг хосиятли ўсимлик

Қадим замонлардан бери Ўрта Осиё халқларида зиғир фақатгина тансиқ ва тўйимли овқатларнингина маҳсаллиги бўлиб қолмай, балки бир қатор хасталикларни даволовчи омил ҳисобланган. Халқ табобатида зиғир уруғидан тайёрланган қайнатма ўпка касалида, йўталда, томоқ оғригида, буйрак хасталикларида берилади. Зиғир уруғидан тайёрланган дамламалар сурги сифатида хизмат қилиб, ич оғригига малҳам ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино зиғирнинг кўпдан-кўп фазилатларини келтирган эди. Чунончи, зиғир уруғи сода ва анжир билан бирликда ҳуснбузарларга бойланганда ажойиб натижа беради. Бундан ташқари, Ибн Сино зиғир уруғини қовуриб йўталга, меъдани мустаҳкамлашга тавсия этган. Пиширib эзилган уруғлари шишларга ва чипқонга қўйилган.

Илмий медицинамиз халқ табобатидан андоза олиб, зиғир уруғидан тайёрланган доривор препаратлар аъзони ўраб муҳофаза қилувчи, яллигланишга қарши таъсир этувчи, нафас олиш йўллари ва меъда-ичак йўли шиллиқ қаватлари яллигланиши билан боғлиқ бўлган хасталикларни даволаш учун қўлланилади.

Дори тайёрлаш амалиётида зиғир мойи қуйганларни даволашда қўлланиладиган суюқ суртма дорилар ва медицина совуни тайёрлаш учун ишлатилади.

Диёримизда шершохли зиғир экилади. Бўйи бир қулочгача борадиган бу ўсимликнинг барглари наштарсифат, ўткир учли, поя ва шохчалари бандсиз, навбат билан жойлашган бўлади. Феруза рангли гулчалари шохлар учига қўнган капалаклардек мисоли қалқонсимон тўпгулни ташкил этади. Меваси уруғларни ўзида жо қилган кўсак. Уруғлар ясси йирикроқ жигарранг томчисимон кўринишда бўлади. Зиғир уруғи таркибида кўп миқдорда мой, оқсил, шифоли илвил моддалар, линамарин гликозиди, карбон-сувлар, каротин мавжуд бўлади. Шу сабабдан бўлса керак, зиғир шифобахшлик бобида салмоқли ўрин тутади. Зиғир пояси ивитилиб саноат аҳамиятига эга бўлган тола олинади, зиғир мойи табобатдаги ўрнидан ташқари озиқ-овқат саноатида аҳамиятга молик эканлиги маълум.

Зиғир уруғларн ихчам қутичаларда дорихоналарда мавжуд, уни юқорида кўрсатиб ўтилган хасталикларда шифокор тавсияномаси билан ишлатилса бўлади.

Зиғир уруғининг тилсимларидан яна бири, ўсимлик дони билан қўшилган қушлар хўраги жуда тўйимли бўлиб, уларнинг наслланишига ва камолотига туртки бўлувчи омил ҳисобланади.

М. НАБИЕВ,
доришунос.

Бу қизик

ЭГИЗАКЛАР, ЭГИЗАКЛАР

Қирғизистонлик шофёр Оқилбек Алиевнинг 2 ўғли ва 3 қизи бор эди. Унинг турмуш ўртоғи Қодирбиби боғча мудираси бўлиб ишлайди. Яқинда у бир йўла 3 эгизак туғди.

Вологдалик ўрмон ходими Николай Иванович ва 34 ёшли қишлоқ киномеханиги Светлана Александровна Лигинлар оиласида ҳам қувончли ҳодиса рўй берди. Уй бекаси бир йўла 4 эгизак туғди. Эгизакларнинг тўнғичи ўғил, қолганлари қиздир.

Шундай қилиб, бу икки оиланинг ҳар бирида саккизтадан фарзандлар соғ-саломат ўсишмоқда.

ПОЛВОНЛАР КАМАРИ

Донецк областидаги Харцизск пўлат сим ишлаб чиқарадиган завод ходимлари спортчилар учун махсус «машқ-камари» тайёр-

Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз

«ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН...»

(1982 йил, 20 сентябрь) мақоласи — газетхонлар муҳокамасида

ТАХТ ЭМАС, БАХТ КЕРАК!

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг «Тўй тўйдек бўлсин...» мақоласида жуда кўп қимматли фикрлар, тўйларимиз ҳақида ажойиб мулоҳазалар айтилган.

«Ким ўзарга» қабилидаги тўй, халқ ибораси билан айтганда, мисқоллаб йиғиб, ботмонлаб сарфлашдан бошқа нарса эмас. Қиз чиқариш тўйига тайёргарлик кезлари ота-оналарнинг магазинма-магазин, ҳаттоки шаҳарма-шаҳар юриб «зўр» гарнитур излаш ташвишларини айтмайсизми? Қолаверса, тўй келди ва ниҳоқ кечаларидаги дастурхон ноз-неъматлари, қоплаб ёпилган ун, хилма-хил суюқ-қуюқ таомларнинг ҳаддан ташқари кўп тайёрланиши— буларнинг ҳаммаси оила учун беҳуда чиқимлардир. Ёзувчимиз Раҳмат Файзий шулар ҳақида дил сўзларимизни ёзган.

Уғил уйлантиришдаги сарфиёт ҳам қиз чиқаришдагидан қолишмайди. Уналтириш-у ЗАГСга, келинга 15—20 сидралаб қиммат баҳо сарпо тайёрлаш-у тўй юборишга, юртга ош бер-у, ниҳоқ тўйига ва ҳоказо ва ҳоказоларга кетадиган сармоялар заминқадардир.

Булар битта фарзанд тўйининг ҳаражати! Онлада 4—5 ва ундан ортиқ фарзанд бўлганда-чи?! Шуни айтиш керакки, онладаги бундай тантаналар шунчалик катта харажатлар эвазига бўлаётганлигини баъзи ёшлар унчалик ҳис этмаслар балки.

Ҳозир аксари ҳолларда, йигит ёки қиз бирон касбда эндигина ишга киришганларда, яъни ҳали пул жамғаришга улгурмаёқ бир бошни икки қилинади. Шундай экан, тўй харажатлари асосан ота-она зиммасига тушмоқда. Келин ва куёв, сирасини айтганда тўй сарф-харажатларинг доқал ярмини ўз пешона тери билан топганларида эди, ота-она иқтисодий жиҳатдан бунчалик қийин аҳволга тушмаган бўлар, исрофгарчилик ҳам кескин камаярди.

Кўпчилик ота-оналар билан суҳбат чоғида тўй харажатларини, сарпо-сурқуларни ихчамлаштириш, тугунларни, ортиқча дабдабаларни йўқотиш масаласини ўртага ташлаганимизда улар «Қани энди шундай бўлса, жон-жон деб қабул қилардик. Биз кўнамиз-у, лекин қуда томон кўнмаса-чи? Қўшни маҳалладагилар бизни масхара қилишлари мумкин, биз номусга қоламиз-ку!» дейишади.

Ҳа, бу аслида ҳаммага ёқадиган маъқул таклиф-у, лекин баъзи оилалар ихчам тўйни биринчи бўлиб бошлашни хоҳлашмайди. Баъзи оиларда бошланган бундай ташаббусни кўпинча қўшни маҳалладагилар, ҳатто нариги кўчадагилар бузиб, яна тўй ташвишлари ўз ҳолига қўйиб юбориляпти.

Меҳмон тўйхонага қадам ранжида қилар экан, аввало мезбоннинг кайфиятига катта эътибор қилади. Лекин, афсуски, тўйхонага кирганингизда аксари мезбоннинг толиққанлиги дарҳол кўзга ташланади, айниқса тўй қилаётган онахонларнинг тавонахада тугун тугишга овора бўлиб, меҳмонлардан хабар олишга ҳам вақтлари қолмайди.

Тўй комиссияларининг фаолияти ҳақида Раҳмат Файзий ўз мақоласида алоҳида тўхталган. Ҳақиқатан ҳам шундай манмансираб кетган, обрўталаб, шуҳратпараст одамлар бор. **Янгиобод массивида яқинда бир қўшнимиз ўғил тўйи ўтказди. Икки кун кеча-ю-кундуз магнитофон тинмади.** Учинчи куни қўшаҳўва отарчи «артистлар келиб, тонг отгунча жағлари тинмай «ашула» қилишди. Радиокарнайдан улар айтган бекасе, тутуруқсиз сўзлар бутун маҳаллани безовта қилди, нафратлантирди. Тонготаргача базму жамшид бериб элни безовта қиладиганларнинг таноби тортиб қўйилса, айни муддао бўлур эди.

Х. САЙДАЛИЕВА, хизматчи.

Ён қўшнимизнинг уйида тўсатдан шодиёна бошланиб кетди. Нима гап? Ҳайрон эдик. «Ҳа, тўй бўлсин, хурсандчилик бўлсин» дедик. Лекин кечга томон ҳаммаси аён бўлди: қўшнимизнинг жияни уйланаётган, ЗАГСдан кейинги зиёфат шу ерда бўлаётган экан. Ана шу оддий зиёфат ярим кечагача давом этди. Қийқирик, шовқин-сурон авжига чиқди. Келиннинг дугоналари, куёвнинг жўралари ичиб олиб «дом»имиз ҳовлисида роса ҳангома кўрсатишди.

Эртаси куни қўшнимиздан эшитсак, жиянининг ЗАГСдан кейинги шу ўтиришига 600 сўм пули кетибди. У жўжабирдек жон, олти фарзанди бор.

Бу нима деган гап? **Ёзувчимиз Раҳмат Файзий «Тўй тўйдек бўлсин....» мақоласида айтганларидек, илгари ЗАГСдан ўтиш, никоҳ тўйлари бунақанги дабдабали, тартибсиз бўлмаган эдк-ку!!** Янгича урф-одат деб қўшимча бўлмағур тантаналар ўтказишни, ўзимизнинг урф-одатимиздаги ихчам, камтарона тўйларни унутишимиз яхши эмас.

О. БАҲРОМОВ, шахсий пенсионер.

Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Тўй тўйдек бўлсин...» мақоласида тўй-тантаналарни ўтказишда комиссияларнинг, маҳалладаги кекса-ёшларнинг тадбиркорлик билан иш юритишлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бизнинг «Илғор» маҳалламизда тўй ўтказиш комиссияси худди шундай тадбиркорлик билан иш олиб боради. **Бир неча йилдирки, маҳалла комитетимиз раиси Ҳошим ака Алимов раҳбарлигида, комиссия аъзолари маслаҳати билан ҳамма тўйлар, тантаналар тартиб-интизомли, ихчам ва камтарона олиб борилади. Никоҳ тўйларн кечи билан соат 11-12да тўхтатилади, шовқин-суронга йўл қўйилмайди.** Дастурхонлар тўкин, лекин камтарона безатилади. Микрофон ва радиокарнайлар жуда паст овозда, фақат тўй бўлаётган ҳовлидагилар эшитадиган қилиб қўйилади.

Тўй комиссияси яқдил бўлиб ҳаракат қилса, ақли доноиш кексалар, тажрибали кишилар тўйга бош-қош бўлишса, тўйларимиз файзли, ихчам ва кўнгилли ўтишига ишонаман.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

(ХАТЛАРДАН САТРЛАР)

Мен севимли ёзувчимиз Раҳмат Файзийнинг «Тўй тўйдек бўлсин...» мақоласини мароқ билан ўқидим. Таассуфки, — дейилади мақолада,— ҳали ҳам ўз билгича ҳаддан ташқари дабдабали тўй қилиб, ҳаммаёқни ғар солиб тонготаргача маҳалладагиларнинг тинчини бузаётганлар, кўпчиликнинг ғашига тегиб, ҳақли суратда норозилик туғдираётганлар бор».

Чиндан ҳам шундай манмансираб кетган, обрўталаб, шуҳратпараст одамлар бор. **Янгиобод массивида яқинда бир қўшнимиз ўғил тўйи ўтказди. Икки кун кеча-ю-кундуз магнитофон тинмади.** Учинчи куни қўшаҳўва отарчи «артистлар келиб, тонг отгунча жағлари тинмай «ашула» қилишди. Радиокарнайдан улар айтган бекасе, тутуруқсиз сўзлар бутун маҳаллани безовта қилди, нафратлантирди. Тонготаргача базму жамшид бериб элни безовта қиладиганларнинг таноби тортиб қўйилса, айни муддао бўлур эди.

Х. САЙДАЛИЕВА, хизматчи.

Ён қўшнимизнинг уйида тўсатдан шодиёна бошланиб кетди. Нима гап? Ҳайрон эдик. «Ҳа, тўй бўлсин, хурсандчилик бўлсин» дедик. Лекин кечга томон ҳаммаси аён бўлди: қўшнимизнинг жияни уйланаётган, ЗАГСдан кейинги зиёфат шу ерда бўлаётган экан. Ана шу оддий зиёфат ярим кечагача давом этди. Қийқирик, шовқин-сурон авжига чиқди. Келиннинг дугоналари, куёвнинг жўралари ичиб олиб «дом»имиз ҳовлисида роса ҳангома кўрсатишди.

Эртаси куни қўшнимиздан эшитсак, жиянининг ЗАГСдан кейинги шу ўтиришга 600 сўм пули кетибди. У жўжабирдек жон, олти фарзанди бор.

Бу нима деган гап? **Ёзувчимиз Раҳмат Файзий «Тўй тўйдек бўлсин....» мақоласида айтганларидек, илгари ЗАГСдан ўтиш, никоҳ тўйлари бунақанги дабдабали, тартибсиз бўлмаган эдк-ку!!** Янгича урф-одат деб қўшимча бўлмағур тантаналар ўтказишни, ўзимизнинг урф-одатимиздаги ихчам, камтарона тўйларни унутишимиз яхши эмас.

О. БАҲРОМОВ, шахсий пенсионер.

Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Тўй тўйдек бўлсин...» мақоласида тўй-тантаналарни ўтказишда комиссияларнинг, маҳалладаги кекса-ёшларнинг тадбиркорлик билан иш юритишлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бизнинг «Илғор» маҳалламизда тўй ўтказиш комиссияси худди шундай тадбиркорлик билан иш олиб боради. **Бир неча йилдирки, маҳалла комитетимиз раиси Ҳошим ака Алимов раҳбарлигида, комиссия аъзолари маслаҳати билан ҳамма тўйлар, тантаналар тартиб-интизомли, ихчам ва камтарона олиб борилади. Никоҳ тўйлари кечи билан соат 11-12да тўхтатилади, шовқин-суронга йўл қўйилмайди.** Дастурхонлар тўкин, лекин камтарона безатилади. Микрофон ва радиокарнайлар жуда паст овозда, фақат тўй бўлаётган ҳовлидагилар эшитадиган қилиб қўйилади.

Тўй комиссияси яқдил бўлиб ҳаракат қилса, ақли доноиш кексалар, тажрибали кишилар тўйга бош-қош бўлишса, тўйларимиз файзли, ихчам ва кўнгилли ўтишига ишонаман.

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ
(Пролетар кўчаси, 16-уй)

ЯКШАНБА КУН ЛЕКТОРИЙСИ

«АДАБИЁТ ВА САНЪАТ» ЦИКЛИДАН ЛЕКЦИЯЛАР

8/Хда — «Пушкин ва унинг замонаси рассомлари».
17/Хда — «Гоголь ва унинг замонаси рассомлари».
24/Хда — «Перов ва Некрасов».
31/Хда — Ҳамза Ўзбекистон рассомлари ижодида.

Лекцияларни музей илмий ходимлари ўқийдилар, суҳбатлар слайдларни кўрсатиш билан олиб борилади.

Лекциялар соат 12.00да бошланади.

32-73-45 телефонидан маълумотлар олиш мумкин.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛМОҚДА

1982 йил 9, 16, 17, 23, 24 октябрда ҳар бир қабул пунктига «Рус халқ эртаклари»; 200 абонемент; 30 октябрда 170 тадан абонемент.

1982 йил 31 октябрда ҳар бир қабул пунктига Л. Буссенарнинг «Бриллиант ўғирловчилар» асари бўйича 190 тадан абонемент берилган.

Абонементлар шанба ва якшанба кунлари тарқатилади, бошқа кунлари эса абонемент талонларининг тўла комплектига етмаган макулатуралар қабул қилинади ва 52 —01 прейскурантига биноан макулатуралар ва иккиламчи хом ашёлар чекланмаган миқдорда олинади.

Пунктларнинг ишлаш тартиби — соат 10.00дан 18.00гача, танаффус — 13.00дан 14.00гача.

Қабул пунктлари магазинлари соат 10.00 дан 18.00 гача (13 дан 14 гача танаффус) ишлайди.

Қабул пунктлари —магазинлари чоршанба, пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари ишлайди. Дам олиш кунлари —душанба ва сешанба.

ҚАБУЛ ПУНКТИ МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1—Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспект, Марказ — 15;
2 — Форобий кўчаси, Чиғатой дарвоза маҳалласи (38, 100, 76, 104, 120-автобусларнинг «Чиғатой дарвоза» бекати).
3— Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати);
4— Ташавтомаш массиви (1, 16-автобусларнинг «Тошкент трактор заводи» бекати);
5—Уйғур кўчаси (Кўкча колхоз бозори);
6— Янгиобод массиви.
7— Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати);
8 — Фарҳод ярмаркаси.
9— Зиё Санд кўчаси (8-трамвай; 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати);
10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар; 27-трамвайнинг сўнгги бекати);
11—2/4-Қорақамиш массиви (37, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати).
12—Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида);
13— Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 62-квартира;
14—Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а» уй, 1-квартира;
15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй;
16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар; 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати).
17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва кафеси» бекати);
18— Спутник массиви, марказ 3, 5-уй;
19— Ж. Обидова кўчаси (19-автобус; 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати);
20— Олой бозори;
21—Чилонзор массиви, 20-квартал, Сегизбоев кўчаси.
22—Циолковский кўчаси (Касб касалликлари институти қаршисида).
23—ТошМИ массиви (10, 28-автобусларнинг сўнгги бекати);
24—Мирсолиҳов кўчаси, 19-уй;
25—Бирлашган кўчаси, автостанция;
26— М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).
27—Юнусобод массиви, А—3,
28 — Первомайск колхоз бозори;
29—Строительная кўчаси, 38-уй;
30 — 2/1-Қорақамиш массиви (Колхоз бозори).
31— 2-Қўйлиқ массиви. Савдо маркази;
32—Луначарское шоссеси, 301-уй:
33—Морозов кўчаси, кабель завода бозори.
34—Улуғбек посёлкаси, ядро физика институти.
35— У. Юсупов кўчаси (10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).
36— Октябрь массиви Ибрат кўчаси (64-автобус, 8-трамвайнинг «Поликлиника» бекати).
37— 2-Қорасув массиви (89, 63-автобусларнинг 2-Қорасув» бекати).
38 — Б. Хмельницкий кўчаси, 67-уй. 8-корпус (3, 45-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Госстандартлар магазини» бекати).
39— 3-турар жой массиви, Шолохов кўчаси, 1 «а» квартали.
40 — Чилонзор массиви, 14-квартал, (4, 9, 19-трамвайларнинг, 53 64, 79- автобусларнинг «Бирлик», «Чўпон ота» бекати).
41 — Чилонзор массиви, Пионерская кўчаси, 1«а»-уй.
42—1/2 «Қорақамиш» массиви.
43 — Сергели массиви, Савдо маркази.
44 — Сергели — 3 массиви.
45 — 5-Атоий кўчаси, 6«а»-уй (8, 17-трамвайлар, 64-автобуснинг «Чевар» бекати).
46 — Юнусобод массиви, С—Б—4А микрорайони (60, 72-автобусларнинг сўнгги бекати).
47 — Малая Госпитальная кўчаси, 4-уй (9, 10, 8, 24- трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).
48— Куйбишев шоссеси, 818-уй.
49 — Павлов кўчаси, 10-уй (5, 12-автобуслар, 2, 5-трамвайларнинг «Вино заводи» бекати).
50 — Чимбой кўчаси (10, 28-автобусларнинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).
52—Мальков кўчаси, (Шумилов номли кинотеатр ёнида);
53 — «ТашГРЭС» микрорайони (19, 115-автобуслар, 10, 103-маршрутли таксиларнинг «САМПИ» бекати).

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Қабул пунктларида гражданларнинг қасрда туришларидан қатъий назар макулатуралар фақат турлари бўйича алоҳида-алоҳида қилиб ўралган ҳолда қабул қилинади. Масалан, газеталар алоҳида, китоб-журналлар алоҳида, рўзғор картонлари ва ўраш қоғозлари алоҳида.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА АБОНЕМЕНТЛАР ОЛИШ УЧУН МАКУЛАТУРАЛАРНИ ФАОЛ ТОПШИРИШ АДАБИЕТЛАРНИНГ КИТОБ САВДО ГАРМОҚЛАРИГА ТЕЗРОҚ КЕЛИБ ЕТИШИ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

«ВТОРСИРЬЕ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/Хда Бой ила хизматчи (11.00), Келинлар кўзголони (19.30), 9/Хда Кузнинг биринчи куни, 10/Хда Бой ила хизматчи (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/Хда Заҳар ичган даъвогар, 9/Х да Гулсара, 10/Х да Хотиннинг эри.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Москва комедия цирки артистларининг гастроллари.

КИНО

8 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ТАМАКИ ҚИРОЛИНИНГ СОВҒАСИ»— Янгиобод.
«БУ ҲАҚДА БИЛИШИНГИЗ ШАРТ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«ҲАМИША ҲУШЁРЛИКДА ТУРМОҚ» — Москва.
«БУ ҲАВФЛИ» — Дружба.
«БУ ИШНИНГ БЎЛМАСЛИГИ ҲАМ МУМКИН ЭДИ» — Чайка.
«БУНГА ҚАТТАЛАР АИБДОР»— Фестиваль.
«РЕВОЛЮЦИОНЕР БЎЛИШ — МАШАҚҚАТЛИ ИШ»— ВЛКСМ 30 йиллиги номли.
«ОДДИЙ ЕНҒИН»— Ғунча.
«БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ»—Мир.
«МАНА ШУНДАЙ ҲОВЛИ ТЎЙИ» — Лисунов номли.
«ОҒИР БОШОҚ» —Восток.
«ХАВФЛИ ТУШ» —Қозоғистон.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПОРТЛОТО—82»— Чайка (12, 14, 16, 18, 20, 21.30, телефон 77-06-20), Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Москва (11, 13, 17, 19, 20.00, телефон 33-05-01), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда,телефон 53-65-87).
«ҚАРИНДОШЛАР»—Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Тинчлик (12, 14, 16, 18, 20, 21,30, телефон 53-86-07).
«ШОШИЛИНЧ... МАҲФИЙ... ГУБЧЕКАГА»— Кўнча (11, 13, 15, 17, 19, 20.30, телефон 46-23-16), Искра (16, 18, 20.00).

9 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ТАМАКИ ҚИРОЛИНИНГ СОВҒАСИ»— Янгиобод.
«БУ ҲАҚДА БИЛИШИНГИЗ ШАРТ» —Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.
«ҲАМИША ҲУШЁРЛИКДА ТУРМОҚ»— Москва.
«БУ ҲАВФЛИ» — Дружба.
«БУ ИШНИНГ БЎЛМАСЛИГИ ҲАМ МУМКИН ЭДИ» — Чайка.
«БУНГА ҚАТТАЛАР АИБДОР»— Фестиваль.
«РЕВОЛЮЦИОНЕР БЎЛИШ — МАШАҚҚАТЛИ ИШ»— ВЛКСМ 30 йиллиги номли.
«ОДДИЙ ЕНҒИН»— Ғунча.
«БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ»—Мир.
«МАНА ШУНДАЙ ҲОВЛИ ТЎЙИ» — Лисунов номли.
«ОҒИР БОШОҚ» —Восток.
«ХАВФЛИ ТУШ» —Қозоғистон.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПОРТЛОТО—82»— Чайка (12, 14, 16, 18, 20, 21.30, телефон 77-06-20), Дружба (тоқ соатларда, телефон 66-15-75). Москва (11, 13, 17, 19, 20.00, телефон 33-05-01). Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда,телефон 53-65-87).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1983 ЙИЛ СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида ҳамда иш ва ўқиш жойлари бўйича жамоатчи тарқатувчилардан қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги.
«Союзпечать» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

ТОШКЕНТ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича

кечки бўлимнинг ўрта маълумотлилар группасига

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

металларни қирқиб ишлов бериш, мебель ишлаб чиқариш.

Ариза ва ҳужжатлар 1 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо)дан 1— 15 ноябрь кунлари ўтказилади.

Техникум адреси: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 25-уй (4, 9, 11, 24, 7, 28-трамвайлар, 18, 54-автобусларнинг «Радость» магазин»и бекати).

СОТУВЧИЛИК— ШАРАФЛИ КАСБ

Йилдан-йилга шаҳримиз ободонлашиб бормоқда. Янги кўчалар, чиройли кўпқаватли уйлар, мактаблар, болалар боғчалари, хиёбонлар, майдонлар яратилмоқда. Шу билан бирга шаҳримиздаги магазинлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳар бир магазиндаги сотувчи билан биз ҳар куни муомала қиламиз, маслаҳатлашамиз, фойдали консультациялар оламиз.

Сотувчи касби яна ҳам оммалашиб бормоқда. У махсус билим, меҳнат тажрибасини талаб қилади. Яхши сотувчи фақатгина товарни тезлик билан олиб беришдан ташқари бу товар ҳақида, унинг устунликлари ҳақида ҳикоя қилиши ва янги товарга бўлган қизиқишни ошириши лозим. Сотувчи эътиборли ва ҳушёр, ҳушфеъл ва ҳозиржавоб бўлиши лозим. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси аёлларда кўп учрайди.

ҲУРМАТЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР!

СИЗ «ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА КИРИБ ЎҚИБ ЯХШИ СОТУВЧИ БЎЛИБ ЕТИШИШИНГИЗ МУМКИН.

Бу мактаб-магазин йирик савдо корхонаси базасида ташкил этилган. Бу ерда назарий машғулотлар тажрибали сотувчилар раҳбарлигида ўтказилган практика билан алмашлаб олиб борилади. Мактаб-магазин саноат молларининг кичик сотувчилари ва контролер-кассирларини тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 5—6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Мактаб-магазинни тугатганлар шаҳримиздаги магазинлардан бирида ишлайдилар.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, 6х9 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 1-квартал, 15-уй (3, 18, 34, 54, 70, 75, 79-автобуслар. 6, 11, 13-троллейбусларнинг «Шуҳрат» мактаб магазини» бекати, метрода «Чилонзор» станциясигача борилади).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

8 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Ўлик маликa ва етти баҳодир ҳақида эртак». «Олтин хўроз» ҳақида эртак». Мультфильмлар. 18.00 «Цирк майдонида». 18.50 «Яна балет ҳақида». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.50 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 20.20 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Ромэн» трио»и иштирокида музикали программа. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1988» йил. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программаси. 21.30 «Время». 22.05 В. Белов. «Платницк ҳикоялари». Телевизион спектакль.

Узбекистон телевиденьесининг программаси

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.15 «Ахборот» (рус). 19.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ёшларнинг мунозара клуби. 1-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. Ҳамдамов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ердамчи ҳўжаликларга кенг йўл». 22.25 «Эртага— премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Яшил ҳандори». Мультфильм. 18.15 «Конкурс дўстимиз». Бадиий фильм. 20.50 Янгиликлар. 20.25 «Дўстлик маршрутлари — дам олиш маршрутлари». 20.55 «Матсалу қўриқхонаси». «Байкалдан Хубсугулгача». Телефильмлар. 21.30 МТ II.

9 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Жаҳон халқларининг ижоди». ГДРнинг музикали фольклори. 10.10 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.40 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.25 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.55 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.10 «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 «Музикали киоск». 14.40 «Менинг Москвам». Кинолавҳа. 14.50 «Эртага — Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари куни». КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Қишлоқ ҳўжалиги министри В. К. Месяц сўзи. 15.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 16.10 «Қуш сотувчи». Телевизион музикали спектакль премьераси. К. Целлернинг шу номли оперетаси асосида.

17.15 «Халқаро панорама». 18.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» — «Спартак», Челябинскдан олиб кўрсатилади. 20.20 «Севги изҳори». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Севги изҳори». Бадиий фильм. 2-серия. 23.05 М. Таривердиевнинг В. Шекспир сонетларига ёзган романслари. 23.35 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденьесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига, «Давримизга марҳабо!» ҚҚАССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион конкурси. Экранда — Жиззах области (такрорий). 12.10 «Республика мулки». Бадиий фильм. 2-серия. 13.15 «Ота-оналар университети». 13.45 «Узбекистон спорти» (рус.). 14.15 Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунига. «Хотирамда қолган дамлар». Телефильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Фонарик» (рус.). 18.35 Телевизион миниатюралар театри (такрорий). 19.15 «Ахборот» (рус.). 19.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ёшларнинг мунозара клуби. 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Олмаота саёҳат». Кинокўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Инсон ва замин» Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденьесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар поограммаси. 18.05 «Пионер» студиясининг концерт программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Умид елкани». 19.00 «Новости». 19.20 Телефильм. 19.30 А. Чехов. «Таклиф», Теленовелла. 20.00 «Ахбор». 20.25 «Вўстон-11». Халқ ижодиёти республика телевизион конкурси. 21.30 МТ II.

Ўзбекистон ССР Госпланининг Ахборот-ҳисоблаш маркази коллективи катта илмий ходим Б. Акрамовга отаси

Акмал АКРАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область ижроия комитетининг Умумий овқатланиш бошқармасига қарашли чўчқаларни етиштириш ва бўрдоқига боқиш саноат комплекси коллективи Тошкент область ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи

Ғўлқин Мелиевич РАЖАБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-55-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19;фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

8 ОКТЯБРЬ, 1982 й. Р. 02034. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В — 2524. ИНДЕКС 64690.